

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

Ҳайдаров Зафар Ҳаким ўғли

**Диний-илоҳий тушунчалар семантик майдонининг
функционал-семантик тадқиқи**

ДИССЕРТАЦИЯ

Магистрлик даражасини
олиш учун ёзилган

Мутахассислик - 5A120102
Лингвистика (инглиз тили)

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга тавсия этилди.
Кафедра мудири, ф.ф.н., доцент
_____ Галиева М.Р.
“ _____ ” _____ 2016 йил

Илмий раҳбар
филология фанлари
доктори профессор
_____ Расулова М.И.

ТОШКЕНТ – 2016

Мундарижа

Кириш	4
Биринчи боб: Тадқиқотнинг лингвистик параметрлари	
1.1. Масаланинг ўрганилиш тарихидан.....	10
1.2. Диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик birlikларнинг танлаш тамойили.....	12
1.3. Диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик birlikларнинг категориал мавқеи.....	16
Биринчи боб бўйича хулосалар	22
Иккинчи боб: Замонавий тилшунослигидаги семасиология ва семантик майдон тушунчалари	
2.1. Сўзларнинг семантик структураси.....	24
2.2. Тилшунослиқда маъно масаласи.....	35
2.3. Тилшунослиқда семантик майдон тушунчаси.....	46
2.4. Семантик майдонни ташкил этувчи унсурлар ўртасидаги алоқа турлари.....	52
Иккинчи боб бўйича хулосалар	56
Учинчи боб: Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик birlikларнинг функционал-семантик тахлили	
3.1. Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик birlikларнинг семантик майдони.....	57
3.2. Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик birlikларнинг семантик майдонини ташкил этувчи гуруҳ.....	65
3.3. Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик birlikларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари.....	72
Учинчи боб бўйича хулосалар	84
Умумий хулоса	87
Фойдаланилган адабиётлар	90

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

UZBEKISTAN STATE WORLD LANGUAGES UNIVERSITY

On the rights of manuscript

Haydarov Zafar Hakim o'g'li

**Functional – semantic research of religious lexicon in English and
Uzbek languages**

5A120102 Linguistics (The English Language)

DISSERTATION

for academic Master's degree

The work has been discussed
and recommended for defense

The Head of Department

PhD., As.prof.Galieva M.R.

“ ____ ” _____ 2016

Scientific advisor:

Dr of Philology, prof. Rasulova M.I

Tashkent–2016

Кириш

Мустақиллик тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқларни қўлга киритиш имконини берди. Бу ютуқларга эришишда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуриш концепцияси назарий асос бўлиб хизмат қилди. Унда мамлакатимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва менталитети ҳисобга олинган. Ушбу концепцияда илм-фанни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Президентимизнинг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” ги фармони ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистонда илм-фанни, хусусан, тилшуносликнинг ҳам тараққий қилишида муҳим роль ўйнамоқда. Бу борада И.А. Каримов таъкидлаганларидек, бутун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажagini бунёд этаётган халқимиз учун хорижий тилларни мукамал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир [И.А.Каримов 1998,64].

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда хорижий тилларга бўлган эътибор ниҳоятда кучайиб бормоқда. «Таълим ҳақида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да ҳам тилга бўлган эътиборнинг юқори даражада ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Инглиз тилини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уни бошқа тиллар, хусусан, ўзбек тили билан типологик жиҳатдан қиёсий тавсифлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси эканлиги шубҳасиз. Шу боис кейинги йиллари типологик тадқиқотларнинг кўлами кенгайиб бормоқда (А.М. Мухин, А.В.Бондарко, Ю.В.Рождественский,

Е.В. Гулига, Е.И. Шендельс, В.Г. Гак, Ж. Бўронов, А.А. Абдуазизов, Ў.Қ. Юсупов, Д.У. Ашурова, М.И.Расулова, Ш.С. Сафаров, Н.К. Турниёзов ва б.). Алоҳида ажратилган тил сатҳларининг ҳар қайсисида тузилиши турли тилларни изчил чоғиштириш, қиёслаш масалалари тадқиқотнинг муҳим қисми сифатида типологик изланишлар доирасига кирди [Базелл 1972, 15].

Тадқиқот йўлини алоҳида тил фактларидан бошлаб кўпгина тиллар манбаълари билан якунловчи тил универсалиялари тугал ҳолда конкрет намоён бўлиш хусусиятидан қатъий назар, белги коммуникатив тизим тарзида гадаланувчи тил структураси хусусидаги масалани ўртага ташлайди [Кацнельсон 1972, 545-569]. Демак, лингвистик типология - бу ҳозирги замон тилшунослигининг муҳим масалалари юзага келадиган ва қисман ечимини топаётган соҳа.

Типологик тадқиқот мақсадлари ва вазифалари мазмун моҳиятига кўра турли соҳаларга тармоқланиб кетган. Жумладан, тадқиқот жараёнига жалб этилаётган тиллар сони, тадқиқ этилаётган материал ҳажми, тадқиқот мақсадлари, аниқланган ўхшашлик ва фарқлар хусусияти, таҳлил сатҳи, тадқиқот йўналишларига кўра универсал ва махсус типология, умумий ва хусусий типология, таснифий ва характериологик типология, сифат ва миқдор типологияси, структуравий ва функционал типология, семасиологик ва ономасиологик типология фарқланади [Гак 1989, 5-32]. Гарчи лингвистик типология асосида тиллар қиёси турса-да, қиёс мақсад эмас, восита сифатида хизмат қилади. Тил элементлари, шунингдек, тиллар типини аниқлашда, лингвистик типология муайян аломатлар асосида универсалияларни очиб беришга ва тилларнинг умумий таснифини яратишга интилади. Бу вазият тилларнинг структуравий яқинлик даражасини ҳамда уларнинг ҳар қайсисига хос аломатларни очиб бериш имконини туғдиради.

Мазкур илмий иш инглиз тилидаги диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларни ўрганишнинг дастлабки босқичидир. Инсон тил билиш эвазига дунё билимларини ўргана олади ва бошқаларга ҳам ўргата олади. Тил билиш орқали инсон дунёдан хабардор бўлади. Ҳар бир илм олувчи маълум бир тилни ўрганаётганда уни, барча мавжуд соҳа ва йўналишлар доирасида ўрганишни хоҳлайди. Аслини олганда, шундай қилинса тил мукамал ўрганилади. Тил ўрганишда сўз, унинг билдирган маъноси муҳим рол ўйнайди. Исталган соҳа бўйича аввал ўша соҳага алоқадор сўзлар жамланади, сўнг улар ўзлаштирилади. Ўзлаштириш пайтида эса ўша сўзларнинг маъносини чуқур тушуниш жараёни кечади. Мана шундай соҳалардан бири маънавиятдир. Маънавият бу инсоннинг ички ҳолати, онги, қалбидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда муқаддас ишда маънавиятнинг ҳал қилувчи омил эканлигини қайта - қайта уқтирмоқда. Президентимиз ўзларининг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" номли асарида шундай деб ёзади: "Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир... Маънавият инсонга хаводек, сувдек зарур... Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди" [Каримов, 1994, с.7-9]. Мана шу маънавиятнинг ажралмас бир бўлаги бу диндир. Ушбу илмий ишда инглиз тилида динни қандай тушуниш, яъни дин тушунчасининг қандай тушунча эканлигини ифодаловчи инглизча сўзларнинг маъзини чақиш масалалари кўриб чиқилади.

Мавзунинг **долзарблиги** шундаки, мустақиллик қўлга киритилгач маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлмиш динга эътибор кучайди, натижада эса диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг ҳаётда ишлатилиши ва уларнинг таржимаси масалалари кўтарилди. Албатта, дин, илоҳиёт

тушунчаларини тўғри ва ўз маъносида тушуниш учун унга оид сўзларнинг маъносини ҳар қандай тилда чуқур англамоқ ва уларни ўз ўрнида ишлата билмоқ керак. Зеро, бу мавзу муҳокамада энг нозик мавзулардан биридир. Инсоният азалдан дин мавзусига қизиқиб келган. Чет тилида динга оид сўзларни ўрганиш жуда қизиқарлидир. Ҳозирги даврда тилшуносликда бу йўналишга оид сўзларни барча тилларда, хоҳ чет тилида, хоҳ она тилида мукамал ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолди.

Илмий ишдан **мақсад** инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар семантик майдонини таҳлил қилиш ва уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси билан шуғулланиш.

Тадқиқот вазифалари. Иш олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Сўзларнинг семантик структурасини ўрганиш;
- Тилшуносликда маъно масаласини ўрганиш;
- Семантик майдон тушунчасини ўрганиш;
- Семантик майдонни ташкил этувчи унсурлар орасидаги алоқа турларини ўрганиш;
- Инглиз тилида диний—илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар лексик майдонини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг семантик майдонини ташкил этувчи гуруҳни батафсил кўриб чиқиш;
- Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг ўзбек тилидаги таржимаси билан шуғулланиш.

Илмий ишнинг **назарий ахамияти** - бу тилшуносликда семантика тушунчаси ва ҳусусан диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар семантикаси масаласининг назарий жиҳатдан ахамиятини кўрсатиб бериш.

Илмий ишнинг **амалий аҳамияти** инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларни таҳлил қилиб, чуқур маъносини тушунган ҳолда, уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси билан шуғулланиш жуда муҳимдир. Сўнг бу борада махсус мини луғат чиқаришга ҳаракат қилиш буюк амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, дистрибутив, трансформацион, маъно компонентлари анализи методларидан самарали фойдаланилди

Илмий иш мавзусининг **янгилиги** масаласига келадиган бўлсак, инглиз тили тилшунослигида диний-илоҳий тушунчаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси билан шуғулланишнинг ўзи бир янгиликдир.

Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар семантик гуруҳи илмий ишимизнинг **объектидир.**

Илмий ишимизнинг **предмети** эса инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг маъно масалалари, уларнинг семантик таҳлили ва уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси масалаларидир.

Илмий фараз шундан иборатки, инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар ўзбек тилидаги диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларга нисбатан камроқ ва тор маънолидир.

Ушбу илмий ишда, инглиз тилида мавжуд диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг илмий тадқиқот қилиниш даражаси унчалик чуқур бўлмаган тарзда олиб борилди. Чунки бу муаммони биргина магистрлик илмий ишида ҳал қилиш имконсиздир.

Диссертациянинг тузулиши ва хажми. Диссертация кириш, учта боб ва хулосадан ташкил топган. Диссертация охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган.

Кириш қисмида ишнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган, унинг долзарблиги, янгилиги, тадқиқотнинг объект ва предмети, тадқиқотда фойдаланилган методлар, манбалари, тадқиқот фарази ёритилган.

Асосий қисмнинг 1-боби 3 та параграфдан иборат бўлиб, унда асосан назарий маълумотлар: тадқиқотнинг лингвистик параметрлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг танлаш тамойиллари ва уларнинг категориал мавқеи ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг 2- боби 4 пунктдан ташкил топган. Унда замонавий тилшуносликдаги семасиология ва семантик майдон назариялари ўрганилади, шу жумладан, тилшуносликда маъно масаласи, мўзларнинг семантик структураси, тилшуносликда семантик майдон тушунчаси, ҳамда семантик майдонни ташкил этувчи ўнсурлар ўртасидаги алоқа турлари таҳлил қилинди.

Диссертациянинг 3-боби 3 параграфдан иборат бўлиб унда инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар, уларнинг маънолари, семантик таҳлили ва ўзбек тилидаги муқобиллари бўйича аниқ амалий иш қилишга ҳаракат қилинди ва уларнинг таҳлили ҳам эътибордан четда қолдирилмади.

Илмий ишнинг **хулоса** қисмида диссертациядан кўзда тутилган барча фикрлар мантиқий жихатдан умумлаштирилиб, натижалар ёритилган.

I БОБ. ТАДҚИҚОТНИНГ ЛИНГВИСТИК ПАРАМЕТРЛАРИ

1.1. Масаланинг ўрганилиш тарихидан

Биз мазкур тадқиқот ишини Ўзбекистон миллий энциклопедияси “Дин” терминига берган таърифидан бошлашга қарор қилдик, зеро бу термин биз бажараётган илмий изланишларнинг калит сўзлари сирасидан ҳақли ўрин эгаллаган.

Шундай қилиб Дин [араб. эътиқот, ишонч, итоат] – худо ёки худолар, ғайритабиий кучлар мавжулига ишониш. Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этишнинг ўзига хос усули. Диннинг пайдо бўлиши ҳақида ягона фикр йўқ. Ислом дини таълимотига кўра, Дин – Аллоҳ томонидан ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Табиат ва инсонни яратган, айна вақтда инсонга тўғри ҳақиқий ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишончни ифода этадиган таълимотдир.

Дин дунё, инсон, мавжудодларнинг келиб чиқиши, инсоннинг яшашдан мақсади каби саволларга ўзича жавоб беради. Дунёвий илм нуқтаи назаридан Дин кишилик жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида бири. Бу дунёқараш жамиятнинг маълум тарихий давр ва шароитларидаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади.

Диннинг нима эканлиги, турлича изоҳланса-да, умуман олганда Дин – ишонмоқлик туйғусидир. Бундай туйғуси бўлмаган халқ йўқ. Чунки бирон-бир халқ Динсиз, эътиқотсиз, бирон-бир нарсага ишончсиз яшай олмайди.

Дин инсониятнинг энг керак, энг гўзал маънавий-руҳий эҳтиёжларидан биридир. Инсоният тарихида Дин турли шаклларида намоён бўлган. Диннинг дастлабки кўринишлари *фетишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик* ва бошқалардир. Шунингдек, уруф-қабилалар Динлари, миллий Динлар [*иудаизм, хиндуийлик, синтсизм, даосизм, конфуцийчилик*], жаҳон Динлари [*буддизм, христианлик, ислом*] вужудга келган.

Дин аввалига кўпхудолик, сўнгра яккахудолик кўринишида бўлган. Хар бир Дин диний дунёқараш, диний маросим, диний туйғу ва сиғиниш объектларини ўз ичига олади. Хар қандай жамиятда Дин маълум ижтимоий-маънавий ва руҳий вазифаларни бажаради. Унинг ижтимоий ҳаётга таъсири кучлидир. Хар бир Дин диндорларини ўз таълимоти доирасида шакллашга ҳаракат қилади, ўз қавмлари учун тасалли берувчи, овутувчилик вазифасини ўтайди. Динлар ўз маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қуяди, шунингдек, ўз қавмларининг бирлигини, жамият ва шахснинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлашга интилади.

Дин инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмуни, бу дунё ва у дунё масалаларига ўз муносабатини билдириб туради. У умуминсоний ахлоқ, мейёрларини ўзига сингдириб, хулқ-атвор қоидасига айлантиради. Маданият ривожига катта таъсир кўрсатиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказиш ишига ёрдам беради.

Дин тушунчаси кўпқиррали бўлиб, юқорида зикр этилган фактлардан кўриниб турганидек, ҳаётнинг барча соҳаларига тарқалган. Шу сабабли, тилшуносликда ҳам, айнан сўз бойлиги соҳасида жуда кенг тарқалган соҳа дейиш мумкин. Сўз бойлигининг барча соҳалари, шу жумладан, диний-илоҳий тушунчалар ҳам тилшуносликда кам ўрганилган дейиш мумкин. Сабаби, тилшунослик фанининг тараққиётида даст аввал тилнинг формал

томонига эътибор берилган, бошқача қилиб айтганда грамматика изланиш объекти сифатида хизмат қилган. Лексикага келсак, тилнинг бу қатлами узоқ йиллар тизим сифатида қаралмагани ўрганилиш объекти сифатида кўрилмаганлигидан далолат беради. Аммо шунини таъкидлаш жоизки, тилшуносликнинг замонавий йўналишлари ривожига ушбу масала ҳам ўз ечимини топди. Ҳозирги кунда замонавий тилшунослик соҳасида тилнинг лексик қатламини ўрганишга катта эътибор берилмоқда.

1.2. Диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг танлаш тамойили

Диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларни семантик майдон сифатида ёритилган маълумотлардан келиб чиқиб, ушбу майдон унсурларини тилда намоён бўлишини кўриб чиқамиз. Ўрганилаётган майдоннинг калит сўзи "Religion, religious" хисобланади. Таҳлиллар изоҳли луғатларнинг таърифлари материаллари асосида бўлади. Macmillan Eng.D., Babylon Eng.D., Merriam-Webster Eng.D., AudioEng.D., ва ўзбек тилининг изоҳли луғатларидан олинган таърифлар орқали инглиз ва ўзбек тилларида концептнинг тил сураътида қандай намоён бўлиши таҳлил қилинди.

"Religion, Religious" / "Диний-илоҳий" бирликларнинг маъносини аввал инглиз тилида кўриб чиқсак: Macmillan English Dictionary "religion" сўзига куйидаги таърифларни беради:

1. Religion:

a) the belief in the existence of a god or gods: *Religion is something we always argue about;* (оллоҳнинг борлигига ишонч ҳосил қилиш)

b) a system of beliefs in a god or gods that has its own ceremonies and traditions; (оллоҳнинг ўз ананалари ҳамда урф-одатлари билан борлигига системали равишда ишонч ҳосил қилиш);

II. **Religion:** (singular) an activity or aim that is extremely important to you; (сиз учун жуда муҳим бўлган ҳаракат).

Шакллари:

Religiosity N – formal extreme interest and belief in religion.

Religious A, usually stands before N:

a) relating to religious or the beliefs and practices in particular religion (диний ҳолат билан боғлиқ ёки амалиётда оллоҳга қаттиқ ишонувчи инсон):

- *religious beliefs*
- *religious reform*
- *human rights abuses included discrimination against religious and ethnic minorities;*

b) believing strongly in your religion and carefully obeying its rules (ўз худосига сиғинувчи ва барча амалларини бажанувчи инсон):

- *a deeply religious man*
- *Were your parents religious?*

Шакллари:

Religiously – Adv.

1. You do something religiously, you do it religiously and are very serious about it.

2. In a way that is related to religion.

Merriam-Webster's Dictionary эса куйидаги таърифни келтиради.

Religion:

1. belief in the existence of a god or gods, especially the belief that they created the Universe and gave human beings a spiritual nature which continues to exist after the death of their body;

2. a particular system of faith and worship based on religious belief:

- *The Christian / Yidish / Hindu religions*
- *Practice one's religion*

3. [sing] a controlling influence of one's life ; a thing that one feels very strongly about:

- *Football is like a religion for Bill*
- *Approve of being punctual but she makes a religion of it.*

Religious Adjective

1. [attribute] connected with religion or a particular religion:

- *Religious worship / believe faith*
- *A religious service*

2. [of a person] believing in and practicing a religion:

- *She is very religious*

3. [attribute] of a group of people committed to a religion:

- *Monks: a religious house (i.e. a monastery)*

4. very careful or exact:

- *Pay religious attention to details*
- *He religious in one's observance of practical*

Шакллари:

Religiously – Adverb

1. in a religious way

2. very carefully or exactly:

- *I followed the instructions religiously*
- *She phones him religiously every day*

Синонимлари сифатида қўйидаги лексик бирликлар тақдим этилади:

Religion – Noun:

faith, belief, worship, creed, church, sect, demon, denomination, cult

Religious – Adjective:

1. **religious person**: *devout, pious, reverent, godly, god fearing, churchgoing;*

2. **religious beliefs**: *spiritual, theological, doctrinal, ecclesiastical, church, holy, divine, sacred;*

3. **religious attention to detail**: *scrupulous, conscientious, meticulous, punctious, strict, rigorous;*

Opposites: *atheistic, secular, casual*. [Oxford Dictionary of Synonyms and Antonyms, 2007].

Инглиз тили семантик луғатида [Roget's Thesaurus of English Words and Phrases, 2012] диний-илоҳий сўзлар олти катта бўлимнинг охирида (Affections: Emotion, Religion, Morality) жойлаштирилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- Generally
- Personal
- Sympathetic
- Moral
- Religious

Religion бўлими ўз ичига “Superhuman beings and religion”, “Doctrines”, “Sentiments”, “Acts” ҳамда “Institutions” секциялари қамраб олган.

Диний-илоҳий тушунчаларни ўзбек тилидаги маъносини кўрадиган бўлсак ...

Инглиз тилидаги "Religion, Religious" таърифларига ўзбек тилидаги "диний-илоҳий" га берилган таърифни солиштирадиган бўлсак, ўзбек тилида қўйидаги маънолар учради.

Алоҳ – (оллоҳ, тангри) – *Имондим: дунёга келган кунидан Башар изламабди бесабаб илоҳ.*(Э.Воҳидов. “Мухаббат”).

Илоҳа – (маъбуда) – *Хотин қиёфасидаги худо, санам, маъбуда.*

Диана – қадимги Рим мифологиясида ов ва ой илоҳаси.

Мен уни қадимги дунёнинг машҳур раққосаси, санъат илоҳаси Фаринога ўхшатар эдим. (К.Яшин, Ҳамза).

Илоҳи (Худойим) унд.с. – *Илоё худоё, ўғлим бўлса шундоқ бўлар эдида, мендан кейин ҳам давлатим шуники, илоҳи омон юрсин.* (А.Қодирий, Ўтган кунлар).

Илоҳиёт (телеология) – *Худо ва дин ақидалари ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи.*

Илоҳий – (Оллоҳга, худога оид) – *Худога, илоҳиётга оид, худони қудратига боғлиқ.*

* **илоҳий куч.** *Аёл – яратувчи она. Худо унга шундай бир қудрат ато этган.*

Илоҳийлаштирмақ - Илоҳга, илоҳиётга боғламоқ, илоҳий тус бермоқ. Деҳқонлар ерни, сувни, оловни илоҳийлаштириб, уларга сиғинганлар. (Р.Ғудомов).

Илоҳим – унд.с. с.т.: илоё, илоҳи, худоё. *Илоҳо, менинг куним сенинг ҳам бошинга тушмасин, - деди Баширжон. (Н. Аминов, Қоҳқаҳа).*

Дин – Илоҳий кучгв, худога ишонишга асосланган дунёқараш, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи.

Ислом дини, Христиан дини, Будда дини.

Дини бошқанинг феъли бошқа. – Мақол. Ислом дини кишиларни тўғри йўлга бошлайди. (Ойбек. Танланган асарлар).

Диндан чиқмоқ (ёки қайтмоқ)

1. Динга ишонмай, унга амал қилмай қўймоқ, даҳрий бўлмоқ. – *Диндан чиқсанг чиқ, элдан чиқма. – Мақол. Яхши гап билан илон индан чиқади. – Мақол. – Майли, диндан қайтганн яна дин йўлига солиш – савобли иш. (П.Қодиров. Юлдузли тунлар).*

2. Ўз динини бошқа динга алмаштирмақ.- *Христиан динидан чиқиб Ислом динини қабул қилмоқ.*

1.3. Диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг категориялар мавқеи

Тилнинг грамматик қурилишини ўрганиш муайян тилдаги грамматик категорияларни ўрганишдан бошланади. Қиёсий грамматика

эса грамматик категорияларни қиёсий ўрганади. Қиёсланаётган тиллар системаларидаги грамматик категорияларнинг урни ва ифодаланиш усуллари аниқлашнинг муҳим назарий аҳамияти бор. Бу биринчидан, ҳар бир қиёсланаётган тилни баён этиш жараёнини алоҳида-алоҳида ташкил қилиш учун, иккинчидан, бу тилларнинг ҳар бири учун хос бўлган умумий лингвистик универсалия ва баъзи хусусий формаларнинг мувофиқлашувини аниқлаш учун зарур. Аммо бундай муҳим лингвистик таҳлилнинг кўпгина масалалари ҳали тегишлича ҳал этилган эмас. Қиёслашнинг конкрет методикаси ишлаб чиқилмаган, бир системали ва кўп системали тилларнинг қиёслашнинг ягона принципи йўқ. Тилшуносликда ханузгача муайян конкрет тилларни лингвистик инвентаризациялаш ва қиёслашга доир тўла йиғилган эмпирик материал мавжуд эмас. Тил системаларининг барча ярусларини лингвистик баён этиш жараёни бошланган бўлса-да, у ўз такомиллашувини кутмоқда.

Шу сабабли, ҳозирги кунда тилшуносликқа илмий изланишлар кенг куламда олиб борилмоқда-ки, бу ходиса сўзсиз турли-туман назарияларни пайдо бўлишига сабаб булаяпти.

Бу назариялардан бири тилшуносликда тилнинг турли яруслари бирликлари иштрокида ифодаланувчи категориялар яратишдир. Ушбу муаммо кўп олимларни қизиқтириб келмоқда, чунки шу пайтгача конкрет тилларнинг грамматик системасини тадқиқ қилишда қўлланилаётган грамматик категориялар тушунчаси типологик тадқиқот учун етарли эмас.

Тилшуносликда турли олимлар томонидан тавсия қилинган категориал тушунчаларнинг энг асосийлари қўйидагилар:

- тушунча категорияси;
- функционал-семантик категория;
- грамматик-лексик майдон;

- типологик категория.

Бу методларнинг хаммаси ҳам маълум лингвистик тушунчани бир ёки бир нечта тил системасида ифода этишда лексик ва грамматик ярусларни бирга қўйиб ўрганиш тамойилини тавсия этади.

Юқорида айтилган категориялар ҳақидаги умумий маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

Тушунча категориясининг пайдо бўлиши рус тилшунос олими И.И.Мешчанинов ва даниялик олим О.Есперсенларнинг номлари билан боғлиқдир. Қиёсий типологияда тушунча категорияси алоҳида ўрин тутди. Тушунча категорияси реал ёки логик категориянинг маълум лексик, морфологик ёки синтактик яруслар воситасида ифодаланишидир. Тушунча турли тилларда турлича ифодаланади. Баъзи тилларда у маълум грамматик формал воситалар иштрокида ифодаланиб, грамматик тушунчани англатиши. Баъзиларида эса махсус формал белгилар бўлмаганлиги сабабли грамматик тушунча англатмаслиги мумкин. И.И.Мешчанинов бу ҳақида шундай деб ёзади: "Инсон онгидаги ҳар қандай тушунча тил воситалари орқали ифода этилиши мумкин. Тушунча тасвирий йўл билан англатилиши, ўзининг ифодаланишида маълум система яратиши мумкин. Система яратишда тушунча категорияси албатта иштирок этади". И.Мешчаниновнинг фикрича тушунча категорияси махсус грамматик форма билан ифодалангандагина грамматик тушунча категорияси бўла олади.

Бирор тушунча категориясининг тилда ифодаланувчи формасини топишнинг турли тил системаларини қиёслашда катта амалий аҳамияти бор.

Тушунча категорияси логик категория билан лингвистик категориянинг таққосланишига асосланган.

Тушунча категорияси деганда, Отто Есперсен мавжуд тиллардаги тасодифий далилларга боғлиқ бўлмаган тилдан ташқаридаги тушунчаларни назарда тутди. У грамматикага оид (яъни махсус формаси) бўлмаган универсал категорияларни ифодалайдиган тил воситаларини эътиборга олмайди.

Отто Есперсен тушунча категорияларини барча тилларда қўллаш мумкин бўлган универсалия деб ҳисоблаб, грамматик форманинг ифода этилишида грамматик роднинг реал жинсга мос келмаганини таъкидлайди.

Отто Есперсеннинг тушунча категориясида аниқлик йўқ. Бир жойда у тушунча ва грамматик категориялар бир-биридан тубдан фарқ қилади деб ёзса, иккинчи жойда у улар ўртасида уйғунлик бор деб ёзди. Умуман, Отто Есперсеннинг тушунча категорияси логик ва грамматик категориялар ўртасидаги муносабатни аниқлаш жараёнида пайдо бўлган.

Тушунча категорияси хали яхши ишланмаган. Уни типологияга тадбиқ этиш соҳасида методик ва назарий маълумотлар йўқ.

Тушунча категорияси термини А.В.Бондарконинг фикрича унчалик қийин эмас, чунки у бутунлай тафаккур доирасини кўрсатади ва тил категорияси эмас, балки мантиқ тушунчасини назарда тутди. Шунинг учун ҳам тушунча категориясини улар "функционал-семантик категорияси" деб аташни тавсия қиладилар.

Тилнинг ярус бирликларининг ўзаро бирикиб ҳосил қилган умумий функцияси ва уларнинг ўзаро муносабати асосида ажратилган категория **функционал-семантик категория**дир. Бу атаманинг пайдо бўлиши улуғ рус тилшунос олими А.В.Бондарко номи билан боғлиқдир. Мазмун планида бу категория умумий семантик бирликни ташкил қилса, ифода планида у бир неча яруслар бирликлари билан ифодаланиши мумкин. Масалан,

аспектуаллик функционал-семантик категорияси феълларнинг ўзаро оппозициясидан ташқари (вдуть-вдуть), яна бошқа сўз туркумларига кирувчи сўзлар билан бирга ҳам (иногда, время от времени, долго, всю ночь) ифодаланиши мумкин. Юқорида келтирилган мисолларга асосланиб, А.В.Бондарко хозирги рус тилида темпораллик, модаллик, парсоналлик, аспектуаллик, нисбатлик каби функционал-семантик категориялар бор деб таъкидлайди.

Функционал-семантик категория ҳам типологик тадқиқотда анча қулай, бироқ у хали, биринчидан, яхши мукаммаллашмаган бўлса, иккинчидан, типологик қиёслашга мулжалланган эмас, сабаби таҳлил биргина рус тили мисолида олиб борилиши тавсия этилган.

Маълум тушунчанинг грамматик ва лексик бирликлар воситасида ифодаланишига **грамматик-лексик майдон** дейилади. Бу атамани олмон тили олимлари Е.В.Гулига ва Е.И.Шендельс киритганлар. Бу категорияга биноан бирор умумий маъно бир-бири билан алоқадор бўлган лексик ва грамматик бирликлар воситасида ифодаланади. Масалан, Е.В.Гулига ва Е.И.Шендельс курсатишича, кўплик майдон (поле множественности) хозирги немис тилида қўйидагича ифодаланади:

- отнинг кўплик шакли билан;
- от билан мослашувчи сифат ва сифатдошнинг шакли билан;
- эга вазифасида келувчи от (ёки олмош) билан мослашувчи феълнинг тусланувчи шакллари билан;
- сон билан;
- миқдор олмоши билан;
- кўплик сондаги кишилик олмоши билан;
- жамловчи отлар билан.

Грамматик-лексик майдон бошқалардан ўзининг бирмунча мукамаллиги билан фарқ қилади, аммо у ҳам юқорида айтилганидек, бир тил системаси учун, яъни немис тили учун хизмат қилади.

Тилдаги маълум категорияни морфологик, лексик ва синтактик яруслар бирлиги иштрокида ўрганиш масаласи типологик қиёсий метод учун жуда зарур масалалардан бири ҳисобланади.

Қиёсий типологияда ўрганилаётган тиллар системасини таҳлил қилиш учун универсал категориялар ажратилиши лозим. Аммо шунини айтиб ўтиш керакки, ажратилган категориянинг ифода планидаги birlikлари грамматиканинг фақат морфологик яруси билан чекланмаслиги керак. Барча тил ярусларида ифодаланишнинг ҳамма воситалари аниқланмагунча қиёслаш тўла қийматга эга бўлмайди. Турли ярусда ифодаланадиган элементлар ўзаро боғлиқ бўлишини алоҳида ўқтириб ўтиш лозим. Масалан, ҳозирги замон инглиз тилида эркаланиш категорияси мисолида шунини таъкидлаш жоизки, бу тушунча тилнинг барча яруслари, шу жумладан, синтактик ярус билан боғламай таҳлил қилиш мумкин эмас, чунки ҳар бир сўзнинг морфологик хусусияти фақат синтактик ярусда аниқланади. Бу парадигматика ва синтагматиканинг ўзаро алоқада эканлигидан ва бир-бирига боғлиқлигидан дарак беради. Нутқда эса бир ярусни иккинчисидан ажратиш бўлмайди. Бинобарин лексик ва морфологик яруслар фонологик ярусдан, синтактик ярус фонологик, морфологик ва лексик яруслардан мавжуд бўлмайди, яъни қуйи ярус бўлмаса, юқори ярус ҳам бўлмайди. Шу сабабли, бирор тушунчани ўрганишда тилнинг барча тармоқларининг иштрокини аниқлаш керак.

Ифодаланишнинг барча шакллари аниқламай туриб тил системаларини инвентаризация қилиш мумкин эмас, деб таъкидлайди профессор Ж. Буронов. Типологик қиёслашнинг биринчи босқичи бўлган

инвентаризациясиз типологик тадқиқотни ўтказиш, бинобарин, тилдаги мувофиқликларни аниқлаш мумкин бўлмайди.

Икки ва ундан ортиқ тилларни қиёслашда **типологик категория**лардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки ажратилган тушунчани ўрганишда ва тил системасидаги ифодаланиш усулларини аниқлашда ушбу категорияларнинг ўрни ва ахамияти катта роль ўйнайди.

Типологик категория Ўзбекистон ҳудудида ишланган бўлиб, уни буюк ўзбек тилшунос олими, генман тиллари, шу жумладан Инглиз тили мутахассиси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети собиқ ректори профессор Бўронов Жамолиддин Бўронович ишлаб чиққан бўлиб, у типологик маъно ва типологик шаклдан иборат. Типологик маъно типологик категориянинг мазмун планини ташкил қилади. Типологик маъно - бу морфологик, лексик ва синтактик бирликларнинг ўзаро муносабати натижасида ҳосил қилинган умумий абстракт лингвистик маънодир. Типологик маъно турли ярусли бўлиб, уни ифода этишда тилнинг турли яруслари бевосита иштирок этади. У икки ёки бир неча тиллар системаси асосида тузилади. Типологик маъно грамматик ва лексик маъноларни ўз ичига олади ва ўрганилаётган тиллар системалари учун умумий маъно ҳисобланади.

Типологик шакл типологик маънони ифодаловчи қиёсланаётган тилларнинг турли ярус бирликларидир. Типологик шаклнинг инвариантлари турлича бўлиб, улар морфологик, лексик ва синтактик бирликлар билан ифодаланади. Типологик шаклни ифодаловчи воситалар фонетик ярусда сегмент ва супрасегмент элементлардан, лексик ярусда сўз ясовчи аффикслардан ва мустақил лексик бирликлардан, синтактик ярусда эса сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади.

Шундай қилиб, биз танлаган диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликлар типологик лексик категориялар туркумига мансуб бўлиб, киёсланаётган тилларнинг барча ярусларида, яъни лексик ва синтактик ярусларида турли-туман ифодаланиш воситалари мавжуд.

Ҳар бир тил яруси асосий маркерга эга бўлиб, ушбу маркерлар турли ярусларда турлича ифодаланиш хусусиятига эга. Тилнинг лексик ярусида бу вазифани морфема бажаради, синтактик ярусида эса - сўз бирикма, ёки бутун бир конструкция, фразеологик бирикма ва х. к.

Биринчи боб бўйича хулоса

Дин [араб. эътиқот, ишонч, итоат] – худо ёки худолар, ғайритабиий кучлар мавжулилига ишониш. Дин муайян таълимотлар, хис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган, олам, хаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этишнинг ўзига хос усули. Диннинг пайдо бўлиши ҳақида ягона фикр йўқ. Ислом дини таълимотига кўра, Дин – Аллоҳ томонидан ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Табиат ва инсонни яратган, айти вақтда инсонга тўғри ҳақиқий хаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишончни ифода этадиган таълимотдир.

Дин тушунчаси кўпқиррали бўлиб, юқорида зикр этилган фактлардан кўриниб турганидек, хаётнинг барча соҳаларига тарқалган. Шу сабабли, тилшуносликда ҳам, айнан сўз бойлиги соҳасида жуда кенг тарқалган соҳа дейиш мумкин. Сўз бойлигининг барча соҳалари, шу жумладан, диний-илоҳий тушунчалар ҳам тилшуносликда кам ўрганилган дейиш мумкин. Сабаби, тилшунослик фанининг тараққиётида даст аввал тилнинг формал

томонига эътибор берилган, бошқача қилиб айтганда грамматика изланиш объекти сифатида хизмат қилган. Лексикага келсак, тилнинг бу қатлами узоқ йиллар тизим сифатида қаралмагани ўрганилиш объекти сифатида кўрилмаганлигидан далолат беради. Аммо шунини таъкидлаш жоизки, тилшуносликнинг замонавий йўналишлари ривожда ушбу масала ҳам ўз ечимини топди. Хозирги кунда замонавий тилшунослик соҳасида тилнинг лексик қатламини ўрганишга катта эътибор берилмоқда.

Тилнинг грамматик қурилишини ўрганиш муайян тилдаги грамматик категорияларни ўрганишдан бошланади

Хозирги кунда тилшуносликқа илмий изланишлар кенг куламда олиб борилмоқда-ки, бу ходиса сўзсиз турли-туман назарияларни пайдо бўлишига сабаб булаяпти.

Бу назариялардан бири тилшуносликда тилнинг турли яруслари бирликлари иштирокида ифодаланувчи категориялар яратишдир. Ушбу муаммо кўп олимларни қизиқтириб келмоқда, чунки шу пайтгача конкрет тилларнинг грамматик системасини тадқиқ қилишда қўлланилаётган грамматик категориялар тушунчаси типологик тадқиқот учун етарли эмас.

Тилшуносликда турли олимлар томонидан тавсия қилинган категориал тушунчаларнинг энг асосийлари қўйидагилар:

- тушунча категорияси;
- функционал-семантик категория;
- грамматик-лексик майдон;
- типологик категория.

Бу методларнинг хаммаси ҳам маълум лингвистик тушунчани бир ёки бир нечта тил системасида ифода этишда лексик ва грамматик ярусларни бирга қўйиб ўрганиш тамойилини тавсия этади.

Шундай қилиб, биз танлаган диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликлар типологик лексик категориялар туркумига мансуб бўлиб, киёсланаётган тилларнинг барча ярусларида, яъни лексик ва синтактик ярусларида турли-туман ифодаланиш воситалари мавжуд.

2.1. Сўзларнинг семантик структураси

Ҳозирги замон тилшунослигида кенг тарқалган "сўзларнинг семантик структураси" термини кўп маънолидир. Бу термин метатил сифатида, тил бирлиги сифатида, ўзаро birlikларнинг тузилиш натижаси сифатида, туб ва ясама сўзларни ташкил қилувчи унсур сифатида билинади.

Биринчидан, "сўзларнинг семантик структураси" терминини ясама сўзларнинг структураси сифатида ўрганамиз [Уфимцева, 1980].

Иккинчидан, бу термин кўп системали сўз шакллари йиғиндисидан ташкил топади, сўзларнинг семантик структураси, маъноли сўзларнинг шаклий-мантиқий маъноларини ташкил этадиган, уларнинг белги ва тушунчаларининг бирлашувини билдирадиган кўп маъноли сўзларга нисбатан ишлатилади.

Сўзларнинг морфологик структураси сўз шакллари йиғиндисидан ташкил топади, сўзларнинг семантик структураси эса сўз маънолари мажмуидан ташкил топади [Никитин 1974, с.33].

Масалан, **стол** лексемасининг семантик структураси қуйидаги маъноларни билдиради: "стол-уй жиҳози", "стол-егулик, озуқа" "стол идора, муассаса".

Учинчидан, "сўзларнинг семантик структураси" терминини онтологик жиҳатдан эмас, балки методик жиҳатдан тушуниш ҳудди кўп маъноли сўзлар каби, сўз маъносининг энг кичик мантиқий қисми, семалар билан боғлиқдир.

"Сўзларнинг семантик структураси" терминини бу тарзда тушуниш сўзларнинг таркибини таҳлил қилиш методикасига хосдир. Масалан, **youth** лексемасини қуйидаги семаларга ажратишимиз мумкин: "жонлилиқ", "шахс", "эркак жинси", "ёш" (ўсмир).

Тўртинчидан лексикографияда сўзларнинг маъно структураси термини икки тилли ва изоҳли луғатларда метатил сифатида ишлатилади.

Ва, ниҳоят ҳисоб бўйича сўнггиси, сўзларнинг семантик структураси термини лексик-семантик турланиш тушунчаси билан боғлиқдир.

Сўзнинг ўзини турли шакллари йиғиндиси сифатида тушуниш сўзнинг ифода плани ва мазмун плани ассиметрияси, сўзнинг кўп маънолилиги нафақат бир-бирига алоқадор бўлган маъноларнинг йиғиндиси, балки унинг аниқ иерархик жиҳатдан маънонинг асл маънога асосланганлиги ва семантик жиҳатдан сўзнинг семантик структурасида бир-бирига алоқадор бўлган лексик-семантик вариантлари йиғиндисидан иборатдир.

Шу ўринда академик В.В.Виноградовнинг қуйидаги фикрларини келтириш жоиз: "Сўзнинг шакли тушунчаси сўзнинг қўлланишда дифференциал белгилар воситасида сўзнинг ўхшашлигини аниқлашга асослангандир". [Виноградов, 1975, с.47].

Ҳар қандай сўзнинг семантик структурасини аниқлаш нафақат унинг тушунча планида сўзнинг структуравий таҳлиliga, балки тил ифода ва қўлланишида пайдо бўладиган шарт-шароитлар, шакл ва воситаларга боғлиқ бўлади.

"Сўз маъноси" ва "сўзнинг лексик-семантик варианты" тушунчалари мазмун планида бир бирига ўхшаш бўлса-да, ифода планида бир-биридан фарқ қилади, чунки сўзнинг лексик-семантик вариантыда асосий ўринни шакл эгаллайди.

Фақатгина тил тизимининг лексик-семантик фонида ўз ичига шакл маъно, ва қўлланишни бирлаштирувчи тил бирликлари сифатидаги сўз доираси аниқланади. [Виноградов, 1977, с.164].

Мазмун жиҳатдан сўзнинг семантик структураси шундай системани ташкил қиладики, унда алоҳида лексик-семантик вариантларнинг мустақиллик даражаси ва умумқўлланиш сфераси сўзнинг шакли билан маъноси ва берилган сўзнинг семантик контекст тизимини шакллантирувчи семантик ифодасидан ташкил топган сўзлар билан алоқасининг характерига боғлиқдир. Бунда маъно дейилганда сўзнинг ўз маъноси ва унинг кўчма маъноси назарда тутилган.

Рус тилшуноси академик В.В.Виноградов сўздаги турли маъноларнинг бирлашиш усуллари ва сўзнинг қўлланиш қонуниятлари устида амалга оширган тадқиқотлари натижасида нейтрал сўзнинг лексик маъноси типларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулосага келади [Виноградов, 1977, с. 171-186]:

1. Сўзнинг номинатив маъноси - бу сўзнинг бошқа маъноларига асос бўлади;

2. Сўзнинг асосий номинатив маъносига нисбатан унинг барча бошқа маънолари ундан келиб чиққан бўлади (масалан: шапка - бош кийим, шапка-сарлавҳа);

3. Асосий маънога даҳлдор бўлган фразеологизмлар асосий маънодан фарқ қилади, масалан: кайфияти тушмоқ, метрога тушмоқ;

4. Синтактик жиҳатдан сўзларда шаклланаётган маъно типлари гап таркибида қатъий белгиланган функция асосида мустаҳкамланади.

5. Маънонинг конструктив шаклланиши ва конструктив шароитлари сфераси анча мураккаб ҳисобланади.

Ягона тил доирасидаги семантик структура сўзнинг у ёки бу сўз туркумларига даҳлдорлигига боғлиқ бўлади, шу сабабдан от, феъл, сифат ва олмош сўз туркумларининг семантик структураси турли сўз туркумларининг контекстуал тобелик даражасини белгилайди, контекст типлари қўйидагича бўлади: лексик, синтактик, лексик-синтактик.

Сўзнинг маъновий структураси сўзнинг белгилаш маъносига асосланган мантиқий-предмет мазмунига боғлиқдир, шу сабабли ҳам сўзнинг семантик структурасини ёритиб бериш ҳар бир сўз туркумининг ичидаги турли хил парадигма ва кичик гуруҳларни ҳосил қилишга ёрдам беради. Булар қўйидагилар: конкрет-абстракт лексика [Schmidt,1963], сифат хусусиятлари-миқдор сифатлари [Шрамм, 1974], объект-субъект [Курина,1977], ва объект-субъект, субъект-объект феъллари [Уфимцева, 1974], борлиқ ва эгалик категорияси¹ ва бошқалар.

Бунга мисол тариқасида инглиз тилидаги **field** лексемасининг маъновий структурасини келтиришимиз мумкин. Бу олти чегараланган лексик-семантик вариантларни ташкил қилади.

1. Field ўзининг ташқи кўриниши *биринчи лексик-семантик варианты* бўлади, яъни бунда *"дарахтлари бўлмаган текис майдон"* сифатида тушунилади. Бунда майдоннинг ташқи кўриниши (*somber field*), ўнинг юзасини *«характерный» (swelling, swamped field)* маъносини ифодалайди.

2. Field оти сифат билан *"бирикиб"* ишлов бериладиган ёки ҳосил етиштириладиган майдон *иккинчи лексик-семантик варианты* тушунчасини билдиради, бунда майдоннинг табиий хусусиятлари (*soft, wet, virgin, plowed, wanton field*) ни қандай ҳосил етиштирилиши мумкин (*field of wheat, of rye, of cotton*) лиги ҳусусиятини кўрсатади.

¹

3. Field нинг учинчи лексик-семантик варианты унинг тор доирадаги тушунчаси пайдо бўлиш, мавжудлик, ёки туғилган жой сифатида келтирилади ва у ҳамиша кўпликда ифодаланади: *gold fields, coal fields, oil fields*.

4. Field сўзининг тўртинчи лексик-семантик варианты спорт термини сифатида мавжуддир: *a jumping field, a football field, a cricket field*.

5. Field сўзининг инглиз тилидаги яна бир лексик-семантик варианты бу "маълум бир нарсанинг чегарасини билдирувчи" терминидир. Масалан: *electric field (электр майдон), magnetic field (магнит майдон)*.

6. Ва, ниҳоят **field** сўзининг сўнгги лексик-семантик майдони жанг майдонини англатади: *bloody (қонли), hard-fought field (оғир жанг майдони), field of battle (жанг майдони)* ва бошқалар.

Феълли бирикмалар: *to take, keep, maintain the field; to hold, win, lose the field; to withdraw from the field* ва бошқалар.

Юқорида келтирилган мисолдан келиб чиққан ҳолда хулоса сифатида предмет лексемаларининг лексик мазмунда чатиши натижаси ва тил шарт-шароитлари ва воситалари реализациялари бир хил кўринишда бўлиши ва бу асосан контекстнинг лексик типидан содир бўлишини таъкидлаш жоиздир.

Сўзнинг семантик структурасининг ва лексик семантикасининг чатиши натижаси сифатида ўрганар эканмиз бунда сўзнинг динамикаси жараёнини намойиш этган ҳолда сўзнинг синхроник ва диахроник ўхшашлигини кузатишимиз мумкин. Предмет номининг семантик сруктураси аниқ чегараларига эгадир ва бу лексик контекстда яққол намоён бўлади, ва бу орқали метатил, дефиниция терминларида аниқланиши мумкин.

Феълнинг семантикаси тушунча асоси, юқорида таъкидлаганимиздек, анча мураккаброқ ва анча ноаниқдир. Маълум шахс, предметга тегишли бўлган белги, хусусият тушунчасини ифодалар экан, феъл предикат сифатида ўз табиатида семантик жиҳатдан етарли бўлмайди ёки ифодаланаётган ҳаракатнинг номланиши икки асосий предмет доирасида мавжуд бўлади, булар субъект ва объект сферасидир.

"Сўз белгиларининг витуал ва актуаллик дихотомияси нафакат сўзнинг структуравий хусусиятларини очиб беради, балки сўзнинг умумий ва конкрет, берилган ва янги, доимий ва ўзгарувчан каби гносеологик категория қутблари орасидаги функцияси тенденция ва чегараларнинг ажратиб кўрсатади." [Skalicka, 1948, с. 21].

Виртуал феъл лексемаларининг маъновий структурасини семантик ўзгаришлари, восита ва усуллари таърифи ҳақида фикр юритганда бу феъллар ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини унутмаслик лозим.

Феълларнинг инсон ва объектив борлиқ билан алоқодорлигига тегишли бўлган универсал хусусияти қуйидаги икки асосий сфераларида кузатилади, булар: **субъект** (мавжуд шахс, куч, механизм ҳаракатни амалга ошириш қобилияти ва бошқалар) **сфераси**; ва **объект** (ҳаракат натижаси) **сферасидир**.

Бундан ташқари А.А. Шахматов феълга таъриф берар экан қуйидагини таъкидлайди: "Феъл бу шундай сўз туркумики, у субстанция ҳақидаги тушунчани ифодаладиган ҳаракатдир" [Шахматов, 1927, с.10].

Феълнинг бундай хусусиятлари замонавий тилшуносликда турли хил терминлар билан аталади: "чуқур келишиклар" [Fillmore, The case for case], а "субкатегоризация" [Chafe, 1971] "пресуппозиция" [Chafe, 1971] ва бошқалар.

Бизга маълумки, бутун генератив семантика, унинг бутун назариялари ҳар бир гапирувчининг контекстдаги дуч келадиган тил фактларининг барчасини очиб бера олмайди. Нима бўлганда ҳам "пресуппозиция" ўзининг мантиқий жиҳатлари билан контекст импликациясидан фарқ қилиши керак.

"Пресуппозиция" тушунчаси тилнинг номинатив бирликлари билан ишлатилади ёки пресуппозиция ҳақиқат ёки ёлғонни ифодалашга қаратилган бутун гапни ёки гап қисмининг «мантиқий боғлиқлиги»га нисбатан ишлатилади. Пресуппозиция тушунчаси гапнинг коммуникатив жиҳатдан тўғри-нотўғрилиги билан узвий боғлиқдир.

Луғавий бирлик сифатида сўзнинг аввало маъно турлари тасвирланади, сўнг эса семантик структураси ўрганилади.

Ҳар бир сўз муайян бир маънони англатади, аммо бу маъно барча сўзларда бирдек эмас. Шу жиҳатдан сўзлар бир неча гуруҳга бирлашади. Сўзларнинг маъно турлари одатда туркумларга боғлаб ўрганилади. Сўзларнинг маъно турлари асосан қуйидагича:

1. Номловчи сўзлар. Бу маъно турига от (баъзи атоқли отлардан ташқари), феъл, сифат, равиш, сон киритилади. Булар предметни, ҳаракатни, буларнинг турли-туман белгиларини номлайди: *қоғоз, ўқимоқ, йўғон, аста* кабилар.

2. Ифодаловчи сўзлар. Бу маъно турига модал сўз ва юклама киритилади: *эх, шубҳасиз, у* кабилар.

3. Кўрсатувчи сўзлар. Бу маъно турига олмош, боғловчи ва кўмакчи киритилади: *бу, ва, билан* кабилар.

Иккинчи ва учинчи тур сўзларда номлаш маъноси йўқ: баъзилари бевосита ҳис - ҳаяжонни, фикрга муносабатини ифодаласа (*ундов, модал*

сўз), бошқалари сўзларнинг грамматик муносабатини кўрсатиш учун хизмат қилади (*боғловчи, кўмакчи*).

Учинчи маъно турида алоҳидалик олмошлари учрайди. Олмош мустақил сўз туркумларидан деб қаралса-да, муайян луғавий мазмунга эга бўлмайди. У бундай мазмунни ўзи ишлатиладиган контекстда, нутқ ситуациясида олади.

Атоқли отларнинг маълум турлари ҳам алоҳидаликка эга. Жумладан, киши, ҳайвон, парранда ва нарсаларга берилган исмлар бирор манони англатиш учун эмас, балки фақат аташ учунгина хизмат қилади. Масалан, **тўлқин** сўзи номлаш орқали маълум бир ҳодисани англатади: сув сатхининг кўтарилиши ва тушиши асосида ҳосил бўладиган тебранишлар; **Тўлқин** исми эса фақат атайди, лексик маъно англатмайди, шунга кўра исталган кишини **Тўлқин** деб аташ мумкин, аммо исталган ҳодисани **Тўлқин** деб бўлмайди.

Демак атоқли отларнинг айрим турлари лексик маъно англатмайди. Шу жиҳати билан улар турдош отлардан, шунингдек, номловчи ва бошқа туркум сўзлардан кескин фарқ қилади. Умуман, юқоридаги уч маъно туридан лексикологияда асосан номловчи сўзлар ўрганилади.

Луғавий бирликларнинг семантик структурасида икки ҳодиса фарқ қилинади: *луғавий маъно* ва *стилистик бўёқ*. Бундан кейин луғавий маъно сўзга нисбатан лексик маъно деб, иборага нисбатан эса фразеологик маъно деб аталади.

Сўзни гавдалантирган товушлар тизимини воқеликка нисбатан берилувчи луғавий мазмунига (нимадир номлаш, ифодалаш, кўрсаткишга) лексик маъно дейилади. Масалан, **баҳор** сўзи "*қиш билан ёз ўртасидаги фасл*" маъносини, **дарё** сўзи "*сув оқадиган катта сой*" маъносини, **қора**

сўзи "оқ рангинг зидди бўлган ранг" маъносини, **беш** сўзи "тўрт ва олти орасидаги сон" маъносини билдиради.

Сўзнинг лексик мазмуни билан сўз билдирадиган воқелик бошқа-бошқа ҳодисалардир. Лекин сўздаги лексик маъно билан у англатган тушунча орасида бир бирига боғлаб турувчи маъно мавжуд. Шунга кўра одатда лексик маъно деб шу сўз англатган тушунча таъкидланади.

Лексик маъно билан тушунча ўзаро узвий боғлиқ, лекин шу асосида буларни бутунлай тенглаштириш тўғри эмас. Лексик маъно бу лингвистик характердаги ҳодиса, тушунча эса тафаккурга боғлиқ ҳодисадир. Лексик маъно бу ҳар бир тилнинг ўзига хос ҳодиса ва шунинг учун лексик маъно ҳар бир тил учун одатда индивидуал ҳодиса сифатида ўз аксини топади. Масалан, бир тушунча - "қараш органи" тушунчаси рус тилида **глаз** сўзи билан, ўзбек тилида **кўз** сўзи билан, инглиз тилида эса **eye** сўзи билан ифодаланади. Шу жиҳатдан тенг келувчи бу сўзлар ўз лексик маънолари билан фарқ қилади.

Инглиз тилида бу "қараш, кўриш органи", рус тилидаги ушбу сўзда икки асосий маъно кўрсатилади: 1. *қараш органи*; 2. *надзор (кўзатувчи)*. Ўзбек сўзи учун бу маънолар (*кўзим кўрмайди, ҳар ишда ўз кўзинг бўлгани яхши*) дан ташқари яна қуйидаги лексик маъноларни кўрсатиш мумкин: *тиззанинг кўзи, тахтанинг кўзи, булоқнинг кўзи, игнанинг кўзи, яранинг кўзи, узукнинг кўзи, деразанинг кўзи*. Бу маънолар рус тилида айрим-айрим сўзлар билан ифодаланади: *коленная чашечка, суток в доске, место, откуда бьет родник, ушко иглы, отверстие нарыва, камень в кольце, глазки картофеля*. Инглиз тилида эса қуйидагича: *kneecap, the mouth of the spring, a hole of needle, window pane*.

Кўринадики, айнан бир тушунча турли тилларда турлича маънога эга ва турлича ифодаланади. Айнан шу тушунчани англатувчи маънолар ҳар

тилда ҳар хил лексик тизимларга бирлашади ва шунга кўра оғзаки нутқда қўлланиши ҳам турлича бўлади.

Сўз билан тушунча орасидаги муносабат анча мураккаб. Бир томондан, сўз маълум маънони билдиради, лекин тушунча англатмаслиги мумкин, иккинчи томондан, бир сўз биттадан тушунчани ифодалаши мумкин: кўп маъноли сўзнинг ҳар бир лексик маъноси айрим-айрим тушунчани англатади. Бир неча тушунчани англатиш бир сўз турли соҳаларнинг термини бўлганда яққол намоён бўлади. Лексик маъно билан тушунча орасидаги тенглик терминда бўлади. Чунки терминларнинг қўлланиш доираси анча тордир. Бунга сабаб термин бу маълум соҳага тегишли бўлганлиги ва у қайси соҳада бўлса ҳам ўша соҳа ичидаги тушунчани англатишидир. Масалан, географиядаги **рельеф** термини бу *ер шаклининг турли хилда бўлишини* ифодалайди. Яъни ҳар бир термин маълум бир соҳага тегишли бўлади. Лекин шундай терминлар борки, улар бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ соҳага дахлдор бўлиши мумкин. Бунга мисол сифатида **масштаб** терминини олишимиз мумкин, у бир вақтнинг ўзида ҳам география, ҳам математиканинг термини ҳисобланади.

Турли соҳаларда терминларнинг бундай қўлланилиши, яъни шаклан бир бирига монс келиб қолиши салбий оқибатларга олиб келади.

Биз терминга қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: "Бирор касб ёки соҳага доир тушунчаларни англатадиган, луғавий мундарижаси аниқ, таърифланган, ишлатилиши маълум доирада чегараланган сўзга ёки лексик маънога термин дейилади".

Маълум бир соҳанинг терминологиясига назар солар эканмиз, биз барча терминлар моҳият жиҳатдан бир хил эмаслигини аниқлашимиз мумкин. Фан-техника соҳаларида ишлатиладиган терминлар ўзининг таърифига, қўлланиш доирасига эга бўлади. Лекин шундай терминлар ҳам

мавжудки, улар маълум бир касб-хунарга оид бўлади-ю, лекин у англатган тушунча аниқ таърифланмаган бўлади. Масалан, **лексикология, фонетика** (тилшунослик), **агрономия, ирригация** (қишлоқ хўжалик) терминлари маълум соҳаники ва улар ўз таърифи ва ишлатилиш доираси чекланган ва шу сабабли терминларда лексик маъно тараққиётига имкон йўқ. **Китоб дафтар, қалам, қоғоз** каби терминлар маълум соҳаники, лекин буларнинг ишлатилиш доираси чегараланмаганлиги сабабли буларда лексик маъно тараққиёти содир бўлади. Масалан, **қалам** сўзи "ёзадиган қурол" бўлиши мумкин, **қалам аҳли** бирикмасида у "ёзувчи" маъносини билдиради.

Терминларнинг кишилар томонидан кўп марталаб ишлатилиши натижасида ҳам терминлар ўз соҳасидан бошқа соҳалардаги маъноларни англатувчи оддий, яъни термин бўлмаган сўзларга ҳам айланиб кетади. Масалан, ҳозирги кунда жуда кўп ишлатилаётган **автоматлаштириш, компьютерлаштириш, ксерокопия** каби сўзларни турли соҳаларда оммавий равишда ишлатилаётганлиги сабабли уларнинг термин эканлиги назардан четда қолмоқда.

Сўзларнинг семантик структурасида луғавий маънодан ташқари стилистик бўёқ ҳам мавжуддир. Стилистик бўёқ дейилганда сўзнинг ёки лексик бирликнинг ўз маъносидан ташқари унинг бошқа маъноларини ўзида мужассамлаштириши тушунилади. Яъни сўз маълум контекстда ўзининг бошқа маъносидан маълум даражада фарқ қилади ёки бутунлай қарама - қарши маънони ифодалайди. Масалан, **қиз** ва **қизча (қизалоқ)** сўзларининг лексик маъноси бир хил, стилистик бўёғи эса хар хилдир. **Қиз** сўзининг семантик структурасида стилистик бўёқ бетараф; англатаётган предметга шахснинг ижобий ёки салбий муносабати мавжуд эмас. **Қизча (қизалоқ)** сўзида эса муносабат яққол ифодаланган бўлиб, бунда нейтрал маънодан ташқари, сўзга бўлган муносабат, яъни бунда кичрайтириш-эркалаш маъноси

Ўз ифодасини топган. Ёки бу сўзнинг инглизча эквиваленти бўлган **girl** сўзи ҳам бунга мисол бўлиши мумкин (**a girl - girly**).

Сўзнинг семантик структурасида икки ҳодиса фарқланади: луғавий маъно ва стилистик бўёқ. Луғавий маъно ҳақида юқорида таъкидлаб ўтдик. Стилистик бўёқ ҳар доим лексик маънога таянади, у лексик маъно асосида ривожланади. Луғавий маъносиз стилистик бўёқ пайдо бўлмайди.

Сўзнинг семантик структурасига боғлиқ ҳолда лексик қўллаш ҳам эътироф этилади. Лексик қўллаш баъзан лексик маънога қарама - қарши бўлади. Лексик маъно билан лексик қўллаш бир биридан қуйидагича фарқланади:

- лексик маъно тил бирлигидир (луғавий бирлик); шу тилдаги гапирувчилар томоридан танилган, қабул қилинган бўлади. Лексик қўллаш эса индивидуал, яъни умумий эмас, балки маълум кишилар, маълум доира учун хос бўлади;
- лексик маъно луғатда берилади, лексик қўллаш эса берилмайди;
- лексик маъно маълум бир тилда умумий аҳоли томонидан қўлланилади, лексик қўллаш эса шу тилда гапирувчи айрим кишилар томонидан маълум бир сўзнинг бирор маъноси ифодалаб қўлланилади. Ушбу сўз бутун халқ томонидан қўлланила бошлаганидан кейингина лексик маънога айланиши мумкин;
- лексик маъно контекстда ойдинлашади, лексик қўллаш эса контекстнинг ўзида воқе бўлади; уни индивидуал, конкрет бир автор тузган контекст юзага келтиради, лексик қўллаш шу контекст негизида туғилиб, шу контекст доираидагина мавжуд бўлади;
- лексик маъно луғавий бирлик сифатида сўзга бириктирилган

ва барқарор бўлади. Лексик қўллаш эса шу сўзнинг ўзиники эмас, балки контекстники деб, қаралади, шунинг учун барқарор бўлмайди: контекст бўлмаса лексик қўллаш ҳам мавжуд бўлмайди;

- лексик маъно одатда бирор воқеъликни номлаш учун хизмат қилади. Лексик қўллаш эса асосан образлиликни яратиш учун хизмат қилади. Лекин қўллаш бирор воқеъликнинг номи бўлмай, балки унгача номланган воқеъликнинг ўзгача ифодасидир.

Юқорида келтирилган пунктлар асосида А.Қаҳҳорнинг "Синчалак" қиссасидан олинган қуйидаги парчани таҳлил қилайлик:

"Қаландаров яхши ташкилотчи деймиз, лекин бу чиройли гулдаста қанақа гуллардан боғланганини билмаймиз".

Мисолдаги **гулдаста** сўзи асли "*бир қанча гулларнинг боғлами*" деганидир, бу ўринда лексик қўллаш туфайли эса у бир кишининг (Қаландаров) хусусиятини (ташкилотчилик махоратини) билдирыпти.

Лексик қўллаш ҳамма вақт ҳам муваффақиятли чиқавермайди. Сўзнинг семантик структурасига, шу сўз билан тилдаги бошқа сўзлар орасидаги маъно муносабатларига зид келмайдиган лексик қўлланишгина ижобий бўлади. Шундай талабга жавоб берган лексик қўллаш шу сўзнинг лексик маъносидаги мавжуд имкониятни давом эттиради, бора-бора лексик қўллашни лексик маънога айлантиради.

2.2. Тилшуносликда маъно масаласи

Тилшуносликда сўз маъносини ўрганадиган бўлим семасиологиядир. "**Семасиология**" термини грек тилидан олинган бўлиб **semasia** - маъно (**sema** - белги ва **semantikos** - маънодор сўзларидан) деганидир.

Семасиология, тилда мавжуд бўлган барча маъно турларини эмас, балки фақатгина лексик маънони ўрганади. Бу жиҳатдан семасиологияни лексикологиянинг бир асосий бўлими дейишимиз мумкин.

Албатта, бу семасиолог грамматик маънога ҳеч эътибор қаратмаса ҳам бўлади дегани эмасдир. Аксинча, грамматик маъно сўз маъносини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Сўз маъноси ўрганилаётганда сўз морфологик жиҳатдан таҳлил қилинади, яъни унинг қайси сўз туркумига оид эканлиги аниқланади. Диахроник жиҳатдан олиб қараганимизда семасиология, контекстда сўз маъноларининг ўзгариш томонларини ўрганади. Дескриптив синхроник ёндашув бўйича эса семасиология сўзни фақатгина индивидуал тарзда эмас, балки тилнинг семантик структурасини, умумий қилиб айтганимизда, семантик системани ўрганади.

Баъзи адабиётларда семасиология ва семантика терминлари бир бирининг ўрнида кела оладиган синонимлар сифатида ишлатилади [Breal, 1942, с.10], лекин бу терминни чуқурроқ ўрганадиган бўлсак, улар ўртасида мавжуд бўлган кичик бўлса ҳам фарқни сезамиз. Эслатиб ўтганимиздек, семасиология сўзларнинг лексик майдони билан шуғулланадиган бўлимдир. Семантика термини эса бир кеча маъноларни ўз ичига қамраб олади. Семантикада сўз ҳамда фразеологик бирикмаларнинг маънолари ўрганилади.

Лексик маъно масаласига илмий ишимизнинг аввалги қисмида бироз ойдинлик киритган эдик. Бу қисмда масалага батафсил ёндашамиз.

Лексик майдон тушунчаси жуда мураккаб тушунча бўлиб, у инсон онги ва тил орасида кечадиган жараён ҳисобланади. Предмет ёки ҳодиса киши миясида акс этади ва тилда маълум шакллар билан ифодаланади [Арнольд 1973, с.113; Фахри Камол,1953, с.17-19].

Лексик маъно тушунчасига таъриф бериш борасида турли тилшунослик мактаблари бир неча бор уриниб кўрганлар. Фердинанд Де Соссюр шогирдларининг ҳисоблашларича, маъно бу бирор номланган объект ёки ҳодиса ва ўша исм орасидаги алоқадир. Леонард Блумфилднинг дескриптив йўналишдагилар эса маънони сўз талаффуз қилинадиган пайтдаги ҳолат деб таърифлайдилар. Албатта, кўриниб турибдики, бу икки хил ёндашувда ҳам маъно тушунчасига тўлиқ ва аниқ таъриф берилмаган. Шу ўринда Р.Якобсоннинг тажнис сифатида айтган фикрини эслатиб ўтиш жоиздир: "Маъно тушунчасисиз тилшунослик бемаънилиқдир".

Рус тилшунослари ҳам маъно тушунчасига турли хил фикрларни билдиришган, лекин уларнинг асоси биттадир, яъни уларнинг таъкидлашларича, лексик маъно бу маълум тил системаси воситасида тушунчанинг реализациясидир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, предмет ёки ҳодиса киши миясида акс этади ва натижада бу акс этиш, тилда маълум шакллар билан ифодаланади. Киши миясида акс этган моддий борлиқ, предмет ёки унинг ҳоссаси, ҳодиса ёки воқеа - тушунча деб аталади. Тушунчанинг тилдаги ифодаси эса сўздир. Сўз билан тушунча орасида маълум муносабат бор. Бу муносабат кишиларнинг биргалашиб меҳнат қилишлари, Ҳаёт кечиришлари, ижтимоий меҳнат ва ижтимоии турмуш натижасида белгиланади. Шунинг учун ҳам сўз жамият аъзолари ўртасида бир хилда тушунилади ёки умумий тушунчага эга бўлади. Тушунча айрим предмет ва унинг хоссаларини умумлаштиради,

предметларнинг жузъий ҳолларидан қатъий назар, умумий белги ва хусусиятларни кўзда тутди.

Ҳар бир предмет ва унинг муҳим хусусиятлари шу предмет ҳақида кишида маълум тасаввур ва тушунча ҳосил қилиши учун катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам муайян тушунчани ифодаловчи сўз предмет ҳақидаги умумий тасаввурни билдиради ва айрим предметларда бўлган умумий ҳолатни ўз ичига олади. Сўз муайян нарса ёки предмет тушунчани ва маълум ижтимоий шароитда шу тушунчага боғлиқ бўлган абстракт ва конкрет тасаввурни ифодалайди.

Масалан, **tree** сўзи умуман дарахт ҳақидаги тушунчани билдиради. Шу билан бирга, айтилган замонда бу сўз мевали ва мевасиз дарахтни, мевали дарахтлардан - **apricot, apple, peach** ва бошқаларни, мевасиз дарахтлардан - **poplar, oak**, ва бошқаларни англатади.

Конкрет шафтоли ҳақида гап кетар экан, **шафтоли** сўзи умумлаштирувчи тушунча билан бирга *чиллаки шафтоли, анжир шафтоли, тукли шафтоли* каби шафтолининг турли навлари тўғрисидаги тушунчаларни ифодалайди.

Предмет ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни, хизмати, жамият аъзоларининг борлиқдаги айрим предметга бўлган муносабати шу предметга қўйган номи ва унинг хоссаларини билдирувчи айрим сўзлар орқали ифодаланади. Шунинг учун ҳам маълум тушунчанинг ифодаси бўлган сўз жамиятда муҳим рол ўйнайди. Тушунча сўз маъноларининг энг муҳим ва асосий элементидир. Аммо сўз маънолари муайян сўз ёки термин орқали ифодаланадиган ҳар қандай тушунчага нисбатан кенгдир.

Сўз маъноси ҳақида гап кетар экан, унинг нафақат ақлий фаолиятни, балки ҳис-туйғуларни ҳам ўз ичига олишини айтиб ўтиш лозим.

Сўз маъноси денотатив маъно билан ифодаланади. **To denote** яъни "билдирмоқ" феъли бирор бир тушунчани ёки объектни, уларда мавжуд бўлган барча хусусиятларини қамраган ҳолда аташда, лингвистик бирлик бўлиб хизмат қилади. "**Denotatum**" яъни "билдирмоқ" феъли бирор бир тушунчани ёки предметни билдиради. Сўзнинг эмоционал маъноси унинг эмоцияни уйғота олиш ёки тўғридан-тўғри ифодалаш қобилиятидир. Маънонинг экспрессив ёки эмоционал ўрнини боса оладиган тушунчани сўзларнинг коннотацияси деб аташимиз мумкин. [Арнольд, 1973, с.114].

Денотатив маъно, сўзларларнинг умумий тушунча билдиришига, яъни сигнификатив ва аниқ тушунча билдиришига ёки демонстратив вазифасига кўра икки турга бўлинади. Сўзларнинг сигнификатив маъносини аниқлаш учун хикматли сўз (афоризм) ларга ва бошқа умумий тушунчаларни билдирувчи мақол - маталларга мурожат қилиш кифоя қилади. Масалан:

A good laugh is sunshine in the house. (Thackeray).

A man cannot be too careful] in the choice of his enemies (Wilde).

Бу мисолларда сўзлар, сигнификатив маъносида келган.

Иккинчи демонстратив маънода эса, сўз тор доирада бирор бир предмет ёки тушунчани номлашда хизмат қилади. Масалан:

Some large blue china jars and parrot - tulips were ranged on the mantelshelf, and though the small leaded panes of the window streamed the apricot coloured light of a summer day in London.

Экспрессив маъно ихтиёрийдир, хатто у, мантиқий ўрнини боса оладиган маъно каби кенг доирада фарқ қилиши ҳам мумкин. Экспрессив маъно бу нотик ва тингловчи ўртасидаги ҳолат, яъни экспрессив маънони чиқариб бериш ёки қабул қилиш, гапирувчининг ва тингловчининг ҳиссий қобилиятига боғлиқ. Буни бошқача қилиб ифодалаганимизда, бу икки

суҳбатдошнинг масалага қандай ёндошуви ёки қандай муносабат билдиришига алоқадор тушунчадир.

Сўзнинг экспрессиқ кучини аниқлаш унинг қандай ва қай тазда ифодаланишига боғлиқдир, масалан:

а) *Ҳис-ҳаяжон, туйғу (emotion):* **daddy** сўзи **father** сўзи билан қиёсланганда,

б) *Баҳолаш (evaluation):* **clique** сўзи **group** сўзи билан қиёсланганда,

в) *Босим, даража куч (intensity):* **to adore** феъли **to love** феъли билан қиёсланганда,

г) *Услубий бўёқ (stylistical colouring):* **to slave** феъли **to kill** феъли билан қиёсланганда қандай муносабат билдирилаётгани маълум бўлади. [Арнольд, 1973, с.115].

Сўз маъносининг яна бир неча турлари мавжуд. Денотатив ва коннотатив маъноларини қамраб олган лексик маъно грамматик маъно билан чамбарчас боғлиқдир.

Биз лексикология билан, аниқроғи сўз маъноси билан шуғулланаётган бўлсак-да, грамматик маънога қисқача таъриф бериб ўтишни лозим деб топдик. Грамматик маъно гапда сўзларнинг бир бирига боғланишини ва натижада тугал бир маънони англатишини таъминлайди. Энди эътиборимизни бевосита лексик маъно билан боғлиқ лексик-грамматик маъно нима эканлигига қаратсак.

Хар бир денотатив маъно бир неча элементлар йиғиндисидир. Масалан: **kill** сўзининг маъноси қуйидагича таърифланиши мумкин: *[[Cause, [become(not + alive)]]]*. Бу мисолда бир нуқтани кўрсатиб ўтиш керак. *Cause become, not alive* сўзлари таҳлил қилинганда улар инглиз ёки бошқа тил

сўзлари деб ҳисобланмайди. Бу ҳолатда улар фақатгина маъно элементларидир, яъни бир тушунчани ифодалаш учун жамланган сўзлар мажмуидир. Улар семантик таркиб деб юритилади. Бу фикрга янада ойдинлик киритиш мақсадида Оскар Уайлднинг қуйидаги эпиграмма (кичик ҳажвий шеър) сидаги **adored** сўзига эътибор қаратамиз:

"Men can be analysed, women merely adored".

Бу эпиграммадаги **adored** сўзида ҳам лексик, ҳам грамматик маъно бор. Грамматик маъноси унинг ўтимли феълнинг сифатдош формасидалигидир. Унинг лексик денотатив маъноси эса бир нечтадир - хис-туйғу, яқинлик ҳисси, садоқат, мухаббат ва ҳурмат. Коннотатив маъноси эса - севгининг юксак даражадалиги, шиддатлилик, кучли ҳиссиётда бўлиш.

Adored сўзининг таърифи *"кучли севги ва ҳурмат ҳиссида бўлмоқ, кучли даражада иззат - ҳурмат қилмоқ"*.

Тилда бир сўз бир неча маъноларга эга бўлиши мумкин. Бундаги сўзлар кўп маъноли (полисемантик) сўзлар деб юритилади.

Кўп маънолилик, сўз ва тушунчага хос нарсадир. Чунки у предметнинг бир неча хусусиятлари йиғилиши натижасида намоён бўлади. Баъзи хусусиятлар эса бошқа бир предметда мавжуд хусусиятлар билан ўхшашдир. Демак, бир хил номланган предметлар ўхшаш хусусиятларга эга бўлади. Бу ўринда омонимлар истиснодир. Шундай қилиб кўп маънолилик жуда кўп тилларда сўзга хос бўлган хусусиятдир. Лекин бу тушунча ёки ҳолат бошқа тилларга қараганда инглиз тили луғат бойлигида кўпроқ кузатилади. Сўз хусусиятлари ўхшашлиги, бир бирига алоқадорлик қанчалик кўп бўлса, семантик структурани ташкил қиладиган элементлар сони шунчалик кўп бўлади.

Сўзимизни иоботлаш учун **run** полисемантик сўзини мисол тариқасида оламиз. Бу сўзнинг асосий маъно варианты "оёқларни олға тез, ҳаракатлантириш" деганидир. Масалан:

Tired I was, I began to run frantically home.

Шакл ўзгариши билан (яъни **to run ,running** шаклларида) лексик маъно ўзгармайди. Асосий маъно жонсиз предметларга нисбатан кенгайиши мумкин. Масалан:

I caught a bus that runs between B and C.

Ёки **run** сўзи кўчма маънода ишлатилиши мумкин:

It makes the blood run cold. This self service shop is run by the co- op.

The car runs on petrol.

гапларида **run** сўзининг "on foot" , "quickly" тарзида бажариладиган маъно хусусиятлари йўқолган. Ҳаракат тушунчаси сақланиб қолган, лекин бажарилиш вазифаси деярли йўқолган. Маъно фарқлилиги синтактик валентлик фарқлилигида акс еттирилади. Албатта, бу маъно вариантини инсонга нисбатан қўллаш мумкин:

We - human run on foot.

Яна, маъно агар "бошқарув" маъносини билдирса, актив-пассив (мажҳул) ўзгаришда ҳам қўллаш мумкин.:

The co-op runs this self-service shop.

Run сўзининг "speed", "on foot", "motion" маънолари бўлмаган бошқа маъно вариантлари ҳам мавжуд.

Демак, кўп маъноли сўзларда семантик таркибнинг барчаси ўхшаш бўлмаса ҳам, уларнинг энг камида биттасида ўхшашлик бўлади.

Тилдаги ҳар бир маъно ва маънодаги ҳар бир фарқ, ё сўз шакли, ёки контекст орқали кўрсатилади. таққослаймиз: **ship-sheep, brothers-brethren, smoke screen-screen star.**

Сўз маъноларини таҳлил қилаётганда маънонинг икки қиррали лингвистик белгининг мазмуни эканини ҳисобга олиш керак. Бу, белгининг товуш шакли йиғиндисиди ва дистрибуция (ажратувчи) сиду мавжуд бўлади. Бунда биз лингвистик белгининг иккала қиррасининг бирлигини ўрганишимиз керак. Бу бирлик сўз маъносининг лексик-грамматик вариантыда мавжуддир.

Сўзнинг лексик-грамматик вариантлари парадигматик ёки морфологик хусусиятлари, турли валентликлар, турли синтактик вазифа вариантлари билан ҳарактерланади. У жуда кўп ҳолларда бир сўз туркумининг турли хил лексик-грамматик гуруҳларига тегишли бўлади. [Арнольд, 1973, с.114-116].

I run home гапида **run** феъли ўтимсиз,

I run this office гапида эса ўтимли феълдир.

Сўзнинг семантик структурасини сўзнинг барча лексик ва лексик-семантик вариантларини ташкил қилади. Бунга мисол тариқасида **youth** сўзининг қуйидаги учта лексик-грамматик маъноларини келтиришимиз мумкин:

биринчиси, *саналмайдиган мавхум от* бўлиши мумкин, **the friend of one's youth;**

иккинчиси, *саналадиган атоқли от* бўлиши мумкин, **a young man** (кўпликда *youths*) у (he) олмоши билан, кўпликда *улар (they)* олмошлари билан ифодаланади;

учинчиси, жамловчи *от, young men and women* ва бу фақат кўпликдаги улар (*they*) олмоши билан ифодаланади.

Биринчи мисолда лексик-семантик маънонинг иккита вариантини кузатиш мумкин: биринчиси *ёшлик ҳолатини* ифодаласа, иккинчиси, *инсон ҳаётидаги маълум бир даври*, яъни *ёшлик пайтини* билдиради. Лекин ҳар иккала маъно ҳам айти бир гапда келиши мумкин. Масалан:

He feels that his youth has gone.

Ушбу гапда ҳам *ёшликнинг ҳолати*, ҳам *унинг даври* ўз аксини топган. Юқорида келтирилган вариантлар структуравий тизимни шакллантириши мумкин, чунки улар айнан бир хил талаффузга эга, улар маъно жиҳатдан бир бирига алоқадор ва *youth (ёш)* семантик компонентини ўз ичига олади ва улар бир бирини ифодалайди.

Шундай сўзлар борки, улар фақат маълум пайтлардагина қўлланилади ва кўчма маънода қўлланилиб, керакли маънони беришда хизмат қилади. Булар Nonce usage ёки application деб аталади. Биз бунга қуйидаги мисолни келтиришимиз мумкин:

Tom possessed a formidable capacity for psychological bustling. In an easy agreeable way he bustle other people into doing things they did not want to do (W. Cooper).

Ушбу келтирилган мисолда *bustle (пала-партииллик, гиошма-шогиарлик, саросима)* сўзи ҳеч қандай луғавий маънога эга эмас. Ушбу ҳолат жуда тушунарли бўлган апликациядир.

Юқорида берилган фикрларни жамлаб, сўзнинг семантик структураси таърифда берилганидек, бу бир бирига боғлиқ бўлган турли хил маъноларга эга бўлган лексик вариантларнинг структуравий тизими деган фикрга келишимиз мумкин. Ушбу вариантлар айти бир тизимга киради, чунки улар

турли ҳолатларда бўлсада, айнан бир морфемалар бирикмаси орқали ўз ифодасини топган. Ушбу сўзлар элементлари баъзи умумий семантик компонентлар орқали бир бирига алоқадордир. Бошқача қилиб айтганда, сўзнинг семантик структураси бу турли хил контекстларда маълум бир товуш бирикмасини ифодалайдиган такрорловчи маъно ёки маънонинг бир бўлагидан ташкил топган бир бутунлиқдир ва бунга ҳис-туйғулар, стилистик бўёқлар ва бошқа кўчма маънолар ҳам киради.

Кўп маънолилиқ ва семантик структура фақат тилда мавжуд, у нутқда мавжуд эмас. Биз бир маънонинг турли вариантларини кузатишимиз мумкин. Ушбу вариантлар лексикографлар томонидан эътироф этилади ва тасниф қилинади ва биз уларни луғатларда учратишимиз мумкин. [Арнольд, 1973, с.117-118]. Масалан биз **to bother** феълининг иккита маъносини учратишимиз мумкин:

1. *ташвишланмоқ ёки безовталанишга сабаб бўлмоқ (to worry, to cause trouble; ва*

2. *ташвиш, азоб чекмоқ (to take trouble).*

Сўзнинг нутқдаги лексик маъноси билан унинг тилдаги структураси орасидаги фарқни аниқлаш жуда муҳимдир. Нутқда маъно контекстуалдир, яъни берилган контекстга мувофиқ тарзда сўзнинг ўша контекстга моне варианты қабул қилинади.

Масалан, **bother** сўзини *Any woman will love any men who bothers her enough.* гапида биз аниқ бир контекстда биргина маънони *ташвишлантирмоқ, безовталанишга сабаб бўлмоқ (to cause trouble)* шаклида тушунишимиз мумкин. Ушбу тушунча бош ролдаги актёрнинг севгисини, синиқ (истеҳзоли) ва пессимистик қарашини очиб берурчи эмоционал кесатиш (ирония) ни қабул қилади. **Bother** сўзидаги ушбу бўёк,

стилистик оҳанг билан бирлашади. Одатда унинг битта маъноси бор, у моносемантик сўз, лекин у турли контекстларда турли хил стилистик усуллар билан бирикиб турли маъноларни ифодалаши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳалигача тилшунослар томонидан лексик маънонинг умумий ва тўлиқ схемаси тўлалигича қабул қилинмаган. Тилшуносликда турли хил фикрлар ўз ифодасини топган. Биз қуйидаги терминларни учратишимиз мумкин. Манонинг ўз маъноси (*direct*), яни бунда контекст ёрдамисиз, алоҳида сўзнинг ўз маъноси назарда тутилади. Бунга мисол сифатида Э.Хемингвейнинг "*Ёмғир*" (*rain*) ёки Мередитнинг "*Худбин*" (*The Egoist*) асарлари сарлавҳаларини келтиришимиз мумкин. Чунки бу ҳикояда ҳақиқатдан ҳам воқеалар ёмғир остида бўлади, яъни ёмғир ўз маъносида ишлатилган. Лекин асарни ўқиб унга стилистик жихатдан қараганда, муаллиф *ёмғир (rain) сўзи* билан ўша асрдаги қайғу, амални ифодалайди. Демак, бунда контекстдан келиб чиққан холда унинг кўчма маъносини аниқлаб олиш китобхон учун қийин эмас.

Бундан ташқари, семантик структурада қуйидаги бир бирига қарама-қарши бўлган элементларни учратишимиз мумкин. Булар : *мавхум - конкрет (abstract-concrete)*, *бош - иккинчи даражали (primary - secondary)*, *марказий - марказий бўлмаган (central - particular)* ва бошқалар. Ушбу тасниф негизида уларнинг ҳар-бирида турли хил маъно ётади, лекин буларни бирлаштириб турувчи фикр ҳам мавжуд. Бу бирлаштириб турувчи нарса сўзларнинг семантик структурасидир ва ҳар бир қарама қаршилиқда солиштириш семантик структураси ичида содир бўлади.

Мисол учун **screen** отини олайлик. Биз **screen** сўзининг ўз маъноси бирор нарсдан химояловчи қўзғалувчан мосламани тушунамиз. Масалан, **fire - screen** сўзида печка ёки олов ёқадиган мосламалари, устига қўйилган нарсани тушунамиз. Унинг маъноси сифатида **smoke-screen** сўзини

келтиришимиз мумкин, яни бирор нарсани беркитиш, химоялаш назарда тутилади. **Smoke-screen** сўзи асосан ҳарбий соҳада ишлатилиб сунъий равишда тутун ҳосил қилиниб, унда аскарларнинг ҳаракатлари тутун орқали химояланади, яъни душман томонга сездирилмайди. **Smoke-screen** сўзининг маъноси биринчи маънога нисбатан кўчма маънодир. Бундан ташқари биз а **screen** сўзининг экран маъносини ҳам биламиз ва бу биринчи маъно билан солиштирилганда иккинчи маъно ҳисобланади. Ушбу сўз аниқловчи сифатида қўлланилганда, масалан, **screen acrot**, **screen star**, **screen version** ва бошқа ҳолларда, бу сўз кинога оид маъноларни ифодалайди ва бу биринчи конкрет маънога нисбатан қиёсланганда мавҳум отдир. Сўзнинг бош маъноси бу тараққиётнинг ҳозирги даврдаги энг кўп қўлланиладиган вариантдир.

Ушбу барча терминлар айнан бир даврдаги сўзнинг турли хил маъноларини ифодалайди, шунинг учун ушбу тасниф синхроник ва парадигматик деб аталиши мумкин.

Агар биз маънонинг дастлаб тарихий ривожланиши билан шуғуллансак, биз унинг тилдаги қўлланишини кенгайтиши ёки сустлашиши ва генетик характеристикасига кўра таснифлаймиз. Бунда биз қуйидаги терминларни қўллаймиз: **этимологик**, яъни сўзнинг бизга маълум дастлабки маъноси; **архаик**, яъни тилнинг луғат таркибида ҳозиргача мавжуд бўлган, лекин ҳозирда унинг ўрнини бошқаси эгаллаган маъно; **ҳозирги маъноси**, ҳозирги пайтда тилда энг кўп учрайдиган маъно; **асл маъно**, яъни янги келтириб чиқарилган янги маънолар учун асос, бошланғич бўғин бўлиб хизмат қиладиган маъно. Айнан бир маъно бир вақтнинг ўзида турли ҳолларда турли хил гуруҳларга дахлдор бўлиши мумкинлигига эътиборни қаратиш лозим. Бу хусусиятлар ҳар бир маънони бошқа маъноларга алоқадорлигини ифодалашда маънонинг фарқловчи хусусиятлари бўлиб хизмат қилади.

Сўзларнинг янги маънолари уларни эски маъноларидан келиб чиққанлиги ва алоқадорлиги туфайли маънонинг **тарихий (диахроник)** ва **замонавий (синхроник)** алоқалари бир бири билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, Хорнбининг луғатида **witness** сўзининг қуйидаги тўртта маъноси берилган:

Witness-1 - *гўвоҳлик, шохидлик (evidence, testimony) - ўз маъносида, мавҳум, бош маъно ;*

Witness-2 - *гувоҳ (a person who has first hand knowledge of an event and it's able to describe it) - метонимик, конкрет, иккинчи даражали маъно;*

Witness-3 - *суддаги гувоҳ (a person who gives evidence under oath in a law court) - witness-2 дан келиб чиққан метонимик, конкрет, иккинчи даражали маъно;*

Witness-4 — *хужжатга имзо чекувчи киши (a person who puts his signature to a document by the side of that of the chief person who signs it)- witness 2 дан келиб чиққан метонимик, конкрет иккинчи даражали маъно*

Лексикографлар амалдаги мисолларда келтирилган сўзларнинг маъноларини мавҳумлаштиради.

Шундай қилиб, ҳар бир маъно ўзига мос бўлган экстрлингвистик ходисаларда (**referential meaning**) ва бунга қарама - қарши бўлган бошқа маъноларига кўра (**differential meaning**) характерланади. Сўзнинг лексик-грамматик, лексик вариантлари, маъно қисмлари иерархияси улар ўртасидаги бўлиниш орқали мавжуд бўлган семантик масофани характерлайди.

2.3. Тилшуносликда семантик майдон тушунчаси

Лексик-семантик гуруҳлар доирасидан кейин амалга ошириладиган кичик гуруҳларга бўлиш бу - сўзларни тематик гуруҳларга ажратишдир. Бу каби кичик гуруҳларга ажратиш маълум соҳа, йўналишлар доирасида бир бирига мавзу жиҳатдан яқин бўлган сўзларда амалга оширилади. Масалан, инсон танаси аъзоларининг номлари, ранг тушунчасини ифодаловчи сўзлар, харбий соҳага оид сўзлар ва бошқалар. Гуруҳларга ажратишнинг бу тури фақатгина лингвистик асосда эмас, балки экстралингвистик асосда ҳам намоён бўлади. Бу эса сўзлар ўртасида алоқадорлик, умумийлик мавжудлигини кўрсатади, яъни маълум бир соҳа, йўналишлар бўйича мавзу жиҳатдан умумийликка эга бўлган сўзлар жамланади. Бу каби гуруҳларга мансуб сўзлар синонимлар гуруҳидан бутунлай фарқ қилади. Синонимлар гуруҳида маънодош сўзлар, яъни маъно жиҳатдан бир хил ёки бир бирига яқин бўлган сўзлар йиғилади. Маълум бир тема доирасида йиғилган сўзлар гуруҳида эса бирор бир соҳа, йўналишлар бўйича бир умумий мавзуга оид сўзлар жамланади. Тематик гуруҳларда синонимлар ҳам, антонимлар ҳам, хатто омонимлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Масалан, рангни билдирувчи сўзлар гуруҳини оладиган бўлсак, бунда турли хил рангларни билдирувчи сўзлар бир гуруҳга жамланади. Рангни билдирувчи сўзлар доимо тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб келган ва бир неча баҳсларга сабаб бўлган. Чунки бу тур сўзлар муҳим лексик муаммоларнинг илмий изланилишига йўл очган. Буларнинг энг асосийларидан бири тил ва тафаккур ўртасидаги алоқадорлик ва сўзларнинг систематик ёки носистематиклик муаммосидир. Бу борада юзлаб илмий мақолалар ёзилган [Москоаич, 1998].

В.А.Москович англиз тилидаги бу микросистемани аниқ, системали бир шаклда тасвирлаб беради. Асосий рангни билдирувчи сўзлар системаси тўрттадир: **кўк, яшил, сариқ, қизил**. Улар бутун спектрни қамраб олади. Рангни билдирувчи қолган сўзлар иккинчи даражали яъни асосий тўрта рангни тўлдирувчи қўшимча ранглар ҳисобланади. Масалага янада ойдинлик киритадиган бўлсак, рангни билдирадиган бу асосий тўртта сўз синонимик қаторларнинг доминантлари ҳисобланади. Масалан, **red** сўзини доминант деб оладиган бўлсак, синонимик қаторда ундан кейин турадиган биринчи даражали синонимлар **scarlet, orange, crimson, rose**; иккинчи даражали синонимлари эса **vermillion, wine red, cherry, coral, coppered** ва хоказолар. Асосий доминант сўз унинг қаторидаги биринчи ва иккинчи даражали сўзлардан нафақат семантик жиҳатдан, балки бошқа хусусиятлари билан ҳам фарқ қилади. Бу хусусиятлар қуйидагилар:

1. Қўлланилиш даражаси;
2. Мотивация (туртки бўлиш);
3. Содда ёки қўшма хусусияти;
4. Услубий (стилистик) бўёқ;
5. Кучлилиқ даражаси.

Асосий терминлар, масалан, Х.С.Итоннинг "*Semantic frequency list*" китобида берилган биринчи мингта сўз, кўп қўлланиладиган сўзлар сирасига киради; ҳозирги замон англиз тилида уларнинг мотивацияси йўқолган. Уларнинг барчаси шу тилда мавжуд бўлган асосий сўзлардир. Рангни билдирувчи асосий сўзлар қаторидаги қўшимча сўзлар мотивацияси аниқдир. Масалан, **orange** нинг мева номидан келиб чиққанлиги, **pink** нинг гул номидан келиб чиққанлиги ва хоказолар. Асосий сўз ва ундан кейинги биринчи даражали сўзлар ўзак ёки асос сўзлар дейилади. Иккинчи даражали

сўзлар эса ясама ёки қўшма сўзлар бўлади - *copper-red, jade-green, sky-coloured* etc.

Стилистик жиҳатдан асосий доминант сўз нейтрал (бетараф) сўз ҳисобланади, ундан кейин турадиган биринчи даражали сўз эса лирик сўз ҳисобланади.

Юқорида келтирилган тўртта асосий ранглари билдирадиган сўзларнинг маъноси ниҳоятда кенгдир. Уларнинг майда-майда системаларга бўлиниши натижасида маъно ҳам торайиб, аниқлашиб боради.

Тематик гуруҳлар ёки идеографик гуруҳлар (бу гуруҳларга турли хил сўз туркумларга оид сўзлар лингвистик ва тематик жиҳатдан боғланган бўлади) қиёсий типология принципларида диахроник жиҳатдан ўрганилади. [Москович, 1969, с.56].

А. А. Уфимцеванинг *eorbe, land, grund; middan-zeard, molde, folde hruse*

сўзларининг тарихий ривожланиши бўйича ёзган монографиясида эски инглиз тилидаги *eorpe* нинг *earth* га ўзгариши, битта тушунчани билдирувчи сўзни турли хил кўринишда бериш, хуллас, эски инглиз тили давридан то ҳозиргача бўлган давр ичидаги бу сўзларнинг семантик эволюцияси батафсил тушунтириб берилган. Шу билан биргаликда сўзнинг барча элементлари ва тушунчанинг асосида ётган маънолари санаб ўтилган. Автор ўзи тузган гуруҳни лексик-семантик гуруҳ деб атади ва буни луғат асосида ётган системани очиш йўли сифатида ўрганишни таклиф этади. Автор лексик система доирасида тўртта турли боғлиқликни кашф этади.

Унинг *land, grund, middan-zeard* сўзларининг семантик структураси бўйича қиёсий таҳлили натижасида умумий хусусиятлар алоҳида ва аниқ бир шаклда ёритиб берилган. Тушунчанинг ҳар бир хусусияти бир вақтнинг ўзида эквивалент лексик элементларга бирикиши ва бошқа birlikларга қараб

фарқланиши учун хизмат қилади. Шундай қилиб **land** сўзининг барча семантик вариантлари "*the feature that characterizes extension in space*" маъносига бирикади, Қолган (**grund, eorpe, middan-zeardjolge, molde**) сўзларда ҳудди шу хусусият фарқлидир [Уфимцева, 1970].

Лексик-семантик гуруҳларнинг барча элементлари бир хил сўз туркумлари ва бир хил лексик-семантик гуруҳ чегарасида сақланиб қолади. Агар грамматик маъно ҳисобга олинмаса, унда идеографик гуруҳ ҳисобга олинади.

Идеографик гуруҳларга бўлиш, сўз туркумларига тасниф қилишинг алоҳида қисмидир. Бунда сўз ва иборалар лексик-грамматик маъноларига қараб эмас, балки маъносига, аҳамияти яъни мантиқий маъно системасига кўра гуруҳларга ажратилади. Бу кичик гуруҳлар от, феъл, сифат ва равишларни биргаликда ўз ичига олади ва бу барча сўз туркумлари бир тушунча доирасида жамланган бўлади. В. И. Агамджанова ён-атрофни кўришни таъминлайдиган *ёруғлик тушунчаси* билан боғлиқ **light(n), bright (a), shine(v)** ва шу каби сўзларни бир гуруҳ остига жамлаган.

Бу ёндашув семантик майдон назариясига ўхшаб кетади, лекин бу анча аниқ ва қисқа, чунки автор сўзнинг қайси гуруҳга тегишлилигига қараб аниқ лингвистик мезонларни аниқлаб беради. Бу ҳолатда сўзнинг эквивалентлиги, унинг валентлигида акс этади [Агамджанова, 1961].

Семантик майдон назарияси тилшуносларнинг диққатини ҳозиргача банд қилиб келмоқда. Бу борада жуда кўп мақолалар ва тўлақонли монографиялар ёзилган ва ҳозир ҳам ёзилмоқда.

Жост Триернинг [Trier,1931,с.45] тилшунослик соҳасидаги концепциясига кўра мустақил лексик майдонни ташкил қиладиган сўз маъноларининг даражаси бир сўзнинг ёнида турган қўшни сўзга қараб

белгиланади. Бирликларнинг семантик майдони бири иккинчисини чегаралайди ва бутун соҳани қамраб олади. Ҳудди шу соҳани Жост Триер лингвистик, концептуал ёки лексик майдон деб атайди. У берган таъриф (С.Улманн таржимаси) қуйидагича: "Майдонлар (fields) бир сўз ёки бир бутун луғат ўртасида мавжуд бўлган лингвистик воқеъликдир. Улар каттароқ бирликка бириккан бутуннинг бир қисми ёки ўхшаш сўзларнинг бир парчасидир ва улар луғатда ўз ораларида кичик гуруҳларга бўлинади".

Триернинг китобидан сўнг бу борадаги илмий изланишлар давом эттирилди ва бу тушунчага бир неча хил таърифлар берилди. Масалан, В.Порциг, Г.Ипсен ва бошқа авторлар, берилган концепцияларни бироз торайтириб таъриф берганлар. Ипсен Ҳинд-Европа тилида метал номларини ўрганган ва уларнинг рангни ифодаловчи сифатлар орасида алоқа борлигини аниқлаган. Порциг эса концептуал алоқага эътибор қаратган: **dog-bark, blind-see, see-eye**. А. Жоллес эса бир бирига муносиб ва мувофиқ жуфтликларни ўрганган.

Бу изланишларда Триернинг энг асосий камчилиги унинг идеалистик методологиясидир. У тилни, бизнинг ғоямиз ва бутун дунёвий билимимизни шакллантирадиган супериндивидуал маданий маҳсулот деб ҳисоблайди. Унинг тафаккурга тилнинг таъсири ҳақидаги фикри ва инсон ва коинот орасида турган мавжуд "оралиқдаги коинот" концепцияси бутунлай ўзгарувчандир. [Степанова, 1962, с.17-20].

Идеалистик тўсиқлардан ҳоли қилинган ҳолда, Триернинг назарияси, агар такомиллаштирилса, замонавий семантикада кенг қўлланиладиган натижалар келтириши мумкин [Шайкевич,1963]. Шу ўринда А.Я.Шайкевичнинг пухта ва аниқ ишланган статистик илмий ишини эслатиб ўтишимиз керак. Бу тадқиқот семантик жиҳатдан бир бирига боғлиқ бўлган сўзлар текстда бири иккинчисининг ёнидан ўрин олиши керак ёки аксинча, агар сўзлар текстда ёнма-ён келса, улар семантик жиҳатдан

боғлиқ бўлиши керак деган гипотезага асосланади. Бу гипотезани исботлаш учун Чосер, Спенсер, Шекспир ва бошқа инглиз шоирларининг асарлари кўриб чиқилган. Улар статистик жиҳатдан ўрганилган ва олинган натижалар гипотезанинг тўғрилигини исботлаган.

Гуруҳлар расмий асосда маъноларига эътибор қаратилмай жамланган ва уларнинг элементлари сўзларнинг семантик жиҳатдан алоқадор эканлигини исботлаган. Масалан, *faint, feeble, weary, sick, tedious* ва *whole "healthy"* бир гуруҳни ташкил қилган. *Thin, thick, subtle* сўзлари ҳам ёнма-ён келиши семантик эквивалентнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Семантик майдон масаласига синтактик ёндашувни Москва структуралист гуруҳи² бошлаб берган. Уларнинг фикрига қараганда сўзнинг аниқ синтактик хусусиятлари бу унинг маъносидир. Ю. Апресян [Апресян, 1962] синтактик таҳлил орқали очиқ бериладиган тилдаги жойлашув ўрни бўйича сўзлар (иборалар) рўйхатини ўз ичига олган текст таҳлилини амалга оширишни таклиф қилган. Бунда жойлашуви бўйича ҳар бир сўзнинг қўлланиш даражаси ва ҳар бир сўзда мавжуд бўладиган маънонинг жойланиши бўйича сони кўрсатилади.

Семантик майдон сўз таркибининг валентлик потенциали асоси деб тасвирланиши мумкин. Жойлашув бўйича сўзларнинг қўлланиш даражаси ва сўз маъносининг сони ўртасидаги алоқадорлик кашф қилинганидан сўнг, Ю.Д.Апресян сўзнинг ишлатилиш ўрни ортишига эътибор берган ҳолда маъноли сўзлар майдони иерархиясининг тузилиши кераклигини таклиф қилди.

Семантик майдон терминологик системада мавжуд бўлади. Терминология ҳар бир тил луғатининг асосий қисмини ташкил қилади. Шу билан биргаликда бу, тилнинг шиддат билан ривожланаётган қисмидир,

яъни янгиликлар ҳар дам содир бўладиган бўлимдир. Тил терминологияси терминларнинг жуда кўп турларидан ташкил топади. Маълум бир соҳа, масалан, саноат, маданият, дин ва бошқа шу кабиларнинг хусусиятларни билдирувчи тушунча номларини билдирувчи сўз ёки сўзлар гуруҳини биз терминлар деб атаймиз³. Маълум бир соҳага оид тушунчаларни билдирувчи сўзлар гуруҳи ўша сўзга оид сўзларнинг семантик майдонини ташкил қилади.

2.4. Семантик майдонни ташкил этувчи унсурлар ўртасидаги алоқа турлари

2.5.

Систем қурилишнинг моҳияти шундан иборатки, тил структурасида сўзлар - изоҳли луғат ёки терс луғатларда жойлашгани каби тасодифий белгилар асосида эмас, балки сўзлар орасидаги маъно ҳамда вазифа ўхшашликлари ва фарқлари асосида маълум гуруҳларга - лексик-семантик гуруҳларга бирлашган ҳолда яшайди [Расулов, 1992,с.56]. Лексик-семантик гуруҳлар тематик (маъно) ўхшашлиги асосида ташкил топишини, лексик-семантик гуруҳларга кирувчи сўзлар ўзаро парадигматик муносабатларда туришини. парадигма бирликлари ўзаро оппозитив эканлигини (ўхшашлик асосида фарқларга эга бўлишини) эътиборга олиш лозим. Демак, лексик-семантик гуруҳлар бирликлари ўзаро маъно ўхшашлиги асосида бирлашиши ва айна вақтда ўзаро муайян фарқларга эга бўлиши зарурий бўлиб бу лексик-семантик гуруҳлар бирликларнинг ўзаро оппозицияда эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Тил системасининг структурасини ҳосил қилувчи лексик қатлам - унинг (система сифатида) ички тузилишини таъминловчи қурилиш элементлари - лексик-семантик гуруҳлари ўзаро диалектик муносабатда бўлган оппозитив ҳарактерга эга бирликлардан таркиб топиши,

ва бунда эса оппозиция ва система тушунчаларининг ўзаро муносабати, боғлиқлиги масаласи келиб чиқади. Масалан, инглиз тилида шахсни ёш хусусияти жиҳатидан баҳоловчи лексик-семантик гуруҳлар ўз ичига: ***baby, infant, boy, girl, adult, grown-up, maiden, man, old woman*** каби сўзларни; нутқ феъллари лексик-семантик гуруҳига: ***say, tell, speak, retell, whisper, persuade, cry, shout*** ва ҳоказолар; ҳолат феъллари лексик-семактик гуруҳига: ***stand, sit, stay, lie, stop walking, blossom, perish, be afraid, get tired, sleep, be happy, be angry*** каби сўзларни ўз ичига олишини от, сон, сифат, равиш, олмош, феъл сўз туркумларидан мисоллар келтиришимиз мумкин.

Бизга лексик-семантик гуруҳга кирувчи сўзларнинг маъно ва вазифаларини таҳлил этиш, бу лексик-семантик гуруҳ сўзларини бирлаштирувчи (интеграл) ва ҳар бир сўзни бир биридан фарқловчи (дифференциал) семаларни фарқлашга, дифференциал ва интеграл семалар орасидаги фарқни англаб олишга имконият беради. Турли лексик-семантик гуруҳларга оид сўзлар орасидаги маъно муносабатларини таҳлил этиш ва мустақил фикр юритиш натижасида сўзнинг маъноси ва маъно тузулиши турлича интеграл ва дифференциал семалар йиғидисидан иборат эканлиги келиб чиқади.

Сўз маъносининг кичик таркибий қисмларга - семаларга ажралишини, семалар сўз маъносининг мантиқий бўлаклари сифатида мавжудлигини, сўзнинг маъноси семаларнинг барқарор бутунлиги эканлигини, семема ва семалар муносабатида бутун ва қисм, умумийлик ва алоҳидалик диалектикаси мавжудлигини биз лексикологиянинг "семасиология"- сўзнинг семантик структураси ва улар билан боғлиқ ҳодисаларни ўрганувчи соҳа қисмидан биламиз. Табиий моддалар кимёвий таркибига кўра уларни ташкил этувчи элементларга бўлингани каби (чунончи, сув- H_2O - $NaCl$) сўзнинг маъноси яҳлит, бир бутун кўринса-да, у нисбий бўлиб, таркибий қисмларга -

семаларга бўлинади. Чунки семалар сўз маъносининг тилда яшашини таъминлайди. Сўз маъноси нутқда муайян сема "қобиғига яширинади" ва бу сема нутқда етакчи, асосий саналади. Сўз маъносининг қурилиш элементи бўлган муайян сема сўз маъноси таркибида бошқа семалар билан ўзаро боғланиб - ўзига хос микросистемани ҳосил қилиб, сўз маъносининг нисбий яхлитлигини, бир бутунлигини таъминлайди. Бундан кўринадики сўз маъносининг мантиқий бўлакларга, семаларга бўлиниши - таркибий бўлакларга бўлиниши аслида объектив борлиқ ҳодисаларига, нарса предметларга, уларнинг лисоний ифодаси бўлган сўзларга - сўз маъноларига субстанциал ёндашув натижаси эканлигини таъкидлаш керак.

Сўз маъносининг муайян мантиқий бўлакларга бўлинишини қуйидаги мисоллар орқали тушунтириш мумкин: **sister** - **brother** сўзлари битта элементи билан - бири эркак, бири аёл жинсига хос шахсни ифодалаши билан фарқланади. **Sister** - **brother** сўзларидаги қолган маъно бўлакчалари, чуночи, "қон-қариндошлик", "бир ота-онадан бўлиш", "ёш жиҳатдан катталиқ", "бир авлодга мансублик" ҳар иккала сўз учун умумий.

Икки ва ундан ортиқ сўз учун умумий бўлган семалар бу сўзлар учун интеграл (умумий, бирлаштирувчи) семалар, икки сўзни бир биридан фарқловчи семалар дифференциал (фарқловчи) эканлиги юқорида берган мисолимиздан яққол кўринади.

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, семантик майдонни ташкил этувчи сўзлар бир бири билан тематик жиҳатдан боғланган бўлади. Албатта, бу сўзлар тематик жиҳатдан алоқадор бўлиши билан бирга баъзи хусусиятлари билан, вазифалари жиҳатдан биров фарқ ёки бутунлай бир бирига қарама - қарши бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу каби мутлоқ фарқлиликка қарамай улар маълум бир тушунча остида тематик жиҳатдан ораларида умумийлик, ўхшашлик бўлгани учун жамланади. Масалан, маънавий соҳасига оид

сўзларни оладиган бўлсак, бу сўзлар тематик гуруҳига кўпроқ инсон қалбида, кўнглида кечадиган ҳис-туйғуларни (*севги, шафқат, меҳр, савоб, гуноҳ* кабилар) билдирувчи сўзлар киради. Бу гуруҳга кирувчи сўзлар ўз орасида бир неча кичик гуруҳларга бўлиниб кетади:

1. *Affections in general: **affections, feeling, sensibility, excitation** etc..*
2. *Personal affections: **pleasure, pain, regret, relief, humorist, fear** etc..*
3. *Sympathetic affections: **friendship, enmity, love, condolence** etc..*
4. *Moral affection: **right, wrong, legality, innocent, tribunal** etc..*
5. *Religious affections: **diety, angel, orthodoxy, churchdom** etc...*

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, бу сўзларнинг барчаси маънавиятга хос, яъни инсоннинг ички кўринмас ҳиссиётларини, туйғуларини ёки шу туйғуларини тарғиб қилувчи ёки йўқ қилувчи воситаларни ифодаловчи сўзлардир. Уларнинг битта катта гуруҳга жамланишининг сабаби, сўзлар ўртасидаги маъно элементларининг ўхшашлигидир. Улардаги маъно умумийлиги "мавҳумлик", "тушунчаларнинг инсоннинг қалби, ички дунёси билан боғлиқлиги" ва бошқа шу кабилар. Бу сўзлардаги умумийлик билан бирга бир биридан фарқли, хатто бир бирига қарама-қарши маъно элементлари ҳам мавжуд. Масалан, ***right-wrong, beauty-ugliness*** сўзлари фикримизнинг исботидир. Бу сўзлар салбий ва ижобий маъно элементларига эга бўлган сўзлардир.

Фикримизга янада ойдинлик киритиш мақсадида яна бир мисол келтирсак: ***Angel, satan*** сўзлари бир гуруҳ остида жойлашган. Уларнинг ўхшашлиги ёки мавжуд умумийлиги уларнинг "*олий мавжудот эканлиги*", "*инсондан устун туришлиги*", "*кўзга кўринмаслиги лекин мавжудлиги*" ва бошқа хусусиятларидир. Фарқли томонлари эса "*ижобий олий мавжудотлиги*" (***angel***), "*салбий олий мавжудотлиги*" (***satan***) , уларнинг

вазифа хусусиятлари ҳам фарқли, яъни "*тўғри, яхши йўлга бошловчи*" (*angel*), қинғир, эгри йўлга бошловчи" (*satan*) лигидир.

Демак, фикримизнинг сўнгида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, агар бир семантик гуруҳга ёки семантик майдонга йиғилса, албатта у сўзлар ўртасида умумийлик бўлади, агарда улар орасида ҳеч қандай ўхшашлик, умумийлик кўзатилмаса, демак, улар бир семантик майдонга тегишли сўзлар эмасдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўзлар ўртасида умумийлик билан бирга баъзи хусусиятлари билан фарқлиликка ва зидлик маъно элементларига ҳам эгадир.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Илмий ишимизнинг иккинчи бобида ҳозирги замон тилшунослигида семасиология ва семантик майдон тушунчаларини батафсил кўриб чиқдик. Демак, тилнинг маъно мазмун томонини, яъни семантикасини ўрганиш бўлими семасиология деб аталади. Лексикологияда тилдаги сўзларнинг ясалиши, уларнинг келиб чиқиши ва ишлатилиши ўрганилса, семасиологияда

кенг кўламда тилдаги барча бирликлар яъни сўзлар маъно - мазмун томонидан тадқиқ қилинади. Семасиологиянинг ўрганиш объекти анча кенгроқ ва у тилнинг маъно - мазмун томонини анча чуқур ва абстракт текшириб, унинг тушунча, тафаккур ва белги билан боғлиқ томонларини ўрганadi. Тилининг луғат бойлиги унинг лексик системаси деб, сўзнинг маъно - мазмун жиҳати эса тилнинг семантик структураси деб юритилади. "Система" тушунчаси тилдаги бирликларнинг йиғиндиси ва улар ўртасидаги алоқаларни тақозо этса, "структура" тушунчаси эса бу боғланишларнинг қандай тарзда эканлигини, уларнинг ҳарактерини изоҳлайди.

Сўз маъно - мазмунини ўрганиш бобида семантик майдон тушунчаси асосий тушунчалардандир. Тилда идеографик луғат ёки тезаурус луғат номи билан аталувчи луғат тури мавжуддир. Идеографик луғат бирор тушунча доирасидаги сўзлар группасини, яъни семантик майдонини, сўзларнинг бир биридан фарқланиш белгиларини ва ички боғланиш структурасини изоҳлаб беради. Илмий ишимизнинг биринчи боби иккинчи - учинчи қисмларида таъкидлаб ўтганимиздек семантик майдонни ташкил этадиган сўзлар орасида умумийлик, ўхшашлик мавжуд бўлади. Сўзлар шу асосда бир лексик семантик гуруҳга жамланади. Шу билан бирга семантик майдонни ташкил этувчи сўзлар ўртасида дифференциалликлар ҳам мавжуд. Ҳудди шу жиҳатдан улар синонимик гуруҳлардан тубдан фарқ қилади. Фикримизнинг сўнгида шуни таъкидламоқчимизки сўз маъно - мазмунини, уларнинг семантик майдонини ўрганишда идеографик луғатлар муҳим ва асос манба бўлиб хизмат қилади.

III боб

Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг функционал-семантик таҳлили

3.1 Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг семантик майдони

Илмий ишимизнинг иккинчи бобида кўриб чиққанemizдек семантик майдонни ташкил этувчи сўзлар маълум бир тушунча умумийлиги остида жамланади. Диний илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар ҳам умумий, дин тушунчаси остида тўпланади. Дин тушунчаси жуда кенг қамровли тушунчадир. Маънавиятнинг бир бўлаги бўлган дин инсоният ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Инсоният тарихидан бизга маълумки ҳар бир даврда, ҳар бир жамиятда ўзига хос диний эътиқодлар мавжуд бўлган ва ҳозир бу анъанага содиқ қолинмоқда. Зеро, Худонинг онгли маҳлуқоти бўлмиш инсон диний эътиқодсиз яшай олмайди. Мавжуд диний эътиқодларнинг уч асосийси, яъни уч асосий динни биз биламиз. Булар Буддизм, Христиан, Ислом динлари. Дин мавзуси нозик масаладир. Инсон дин нималигини чуқур тушуниши учун динга оид сўзларнинг маъноларини яхши билиши керак. Илмий ишдаги асосий мақсадимизга, яъни диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларга, уларнинг лексик майдони масаласира эътиборимизни қаратсак.

Диний-илоҳий тушунчаларини билдирувчи сўзлар битта умумий тушунча - дин тушунчаси асосида жамланади.

Диний-илоҳий тушунчаларини билдирувчи сўзларнинг лексик майдони асосан олти гуруҳдан иборат:

1. *Олий мавқега эга бўлган мавжудотлар ва жой номлари (Superhuman beings and regions);*
2. *Диний таълимотлар (Doctrines or Religious knowledge);*
3. *Кўнгилда, қалбда мавжуд бўладиган диний туйғулар (Religious*

sentiments);

4. *Диний ибодатлар, сиғинишлар (Acts of religion)*;

5. *Диний ташкилотлар (Religious Institutions)*;

6. *Диний маросимлар (Religious Rites)*.

Бу асосий олтита гуруҳга кирувчи сўзлар - диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг лексик майдонини ташкил қилади. Бу олти гуруҳ сўзлари орасидаги умумийлик - бу дин тушунчасидир. Барча гуруҳлардаги тушунчаларни билдирувчи сўзлар йиғилиб мукаммал бир дин тушунчасини ҳосил қилади. Лекин бу гуруҳларга мансуб сўзлар бир-бири билан бази хусусиятлари билан бироз ёки тубдан фарқ қилиши мумкин. Агар бу сўзларни семантик таҳлил қиладиган бўлсак, уларда мавжуд бўлган умумийлик ва фарқларни аниқ кўришимиз мумкин. Масалан, биринчи гуруҳ ***Superhuman Beings and Regions*** гуруҳидаги ***Diety, Angel, Satan, Demon*** сўзларини оладиган бўлсак, улардаги умумийлик уларнинг "*олий мавжудотлиги*", "*кўзга кўринмаслиги, лекин мавжудлиги*", "*жонлилиги*" дир. Бу уч маъно улардаги интеграл маъно элементларидир. Энди сўзлардаги маъно фарқлилиги (дифференциаллик) га келадиган бўлсак, улардаги мавжуд "*олий мавжудотлилиги*" умумийлиги бир бирига нисбатан даража жиҳатдан фарқланади.

Diety сўзи маъно жиҳатдан "*энг олий, энг юқори табақадаги зот*" эканлигини англатади. У "*ёш*" жиҳатдан ҳам "*энг катта*" ва "*энг яхши сифатларга эга булган зот*" дир.

Angel, Satan, Demon сўзлари маъно жиҳатдан "*энг олий*" эмас, балки "*оддий даражадаги мавжудотлар*" сирасига киради. Улар ***Diety*** сўзига нисбатан иккинчи ва кейинги ўринларда туради, лекин инсонлардан юқорида туради. Хуллас, ***Angel, Satan, Demon*** сўзлари Худо инсон орасида

турувчи *"олий мавжудотлар"* дир. Улардаги мавжуд иккинчи фарқлилик эса бу олий мавжудотларнинг бажарадиган вазифаларининг турлилигидир.

Diety сўзига хос булган вазифа хусусиятлари қуйидагилар:

1. *"Яратувчилик"*;
2. *"Бутун коинотни бошқариш"*;
3. *"Барча мавжудотларни ризқлантирувчи"*;
4. *"Ҳукм этувчи"*;
5. *"Мавжудот ва маҳлуқотларга суврат ва шакл берувчи"*;
6. *"Ҳар нарсани кузатиб, назорат остига олиб турувчи"*;
7. *"Тавба қилганларни кечирувчи"*;
8. *"Дуоларни қабул этгувчи"*;
9. *"Пайғамбарлар юборувчи, ўлгандан кейин қайта тирилтирувчи"*;
10. *"Ҳамма ишларни ўз зиммасига, кафолатига олувчи"*;
11. *"Ҳаётдан ўлимга, ўлгандан кейин ҳаётга қайтарувчи"*;
12. *"Йўл кўрсатувчи" ва шу кабилар.*

Diety сўзига хос бўлган вазифа хусусиятларининг энг асосийларидандир.

Angel сўзига хос вазифа хусусиятлари эса *"бўйсиниш"*, *"Худонинг хизматида бўлиш"*, *"Худонинг амрларини пайғайбарларга етказиш"* ва хоказолар киради.

Angel, Satan, Demon сўзлари ўртасида ҳам фарқли маъно элементлари мавжуддир. Улар ижобий ва салбий хусусиятга эга эканликлари ва вазифалари билан фарқланади. **Angel** сўзи ижобий маънога эга бўлган сўз, **Satan, Demon** сўзлари эса салбий маъноли сўзлардир. Вазифа хусусияти жиҳатдан эса **Angel** *"эзгулик йўлида хизмат қилувчи"*, *"эзгуликка бошловчи"*, *"Худонинг амрларини тула-тўқис бажарувчи"* сифатида, **Satan, Demon** эса

"ёмонлик" "ёвузлик сари етакловчи", "Худонинг амрига бўйсинмасдан ўзи билганича йўл тутувчи" каби маъно хусусиятларига эгадир.

Биринчи гуруҳга мансуб (**Superregions**) **Heaven, Hell** сўзларини маъно элементларига бўладиган бўлсак, бу сўзлар биринчи гуруҳдаги *Superhuman beings* билан бир гуруҳда жамланганига эътибор қаратишимиз керак. Бу сўзлардаги маъно умумийлиги "*олийлик*" маъно элементи ва "*мафҳумлик*", "*мавжудлик, лекин сезги воситаларимиздан махфий зот ёки жойлар*" маъно элементларидир. *Superhuman beings* ва *Superregions* га мансуб сўзлар орасидаги маъно фарқлиги, *Superhuman beings* нинг "*жонлилик*", "*шахса эга бўлишлик*", "*тириклик*", "*ёш*" ва бошқа маъно элементларига эгаллиги, **Superregions** га мансуб сўзларнинг эса "*жой номини билдириши*", "*жонсизлиги*" ва хоказолардадир.

Superregions га оид **Heaven, Hell** сўзлари ҳам маъно ва вазифасига кўра турли семаларга бўлинади. **Heaven** сўзи "*ижобийлик*", "*гўзаллик, чиройлилик*", "*яхши инсонлар, солиҳлар учун макон*" маъно элементларига эга. **Hell** сўзи эса "*салбийлик*", "*ҳунуклик*", "*қўрқинчлилик*", "*азоб чекиладиган жой*", "*ёмонлар учун макон*" каби маъно элементларига эгадир.

Диний-илохий тушунчаларни билдирувчи сўзлар лексик майдонини ташкил қилувчи иккинчи асосий гуруҳи *Religious knowledge* ёки *Doctrines* гуруҳига кирувчи **Islamic-revelation**, асосий (бош) сўзлар: **Theology, Orthodoxy, Heterodoxy, Judeo-Christian revelation, Pseudo-revelation**.

Бизга маълум-ки, учта катта дин - Ислом, Христианлик, Буддизм динлари бор. Бу динлар яқка худолик ва кўп худолик таълимотларига асосланади. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, маълумки дунёда, бир динга эътиқод қилувчи киши ўзга бир динга эътиқод қилувчилар йўлини нотўғри деб билади. **Doctrines** гуруҳига кирувчи сўзларнинг лексик майдонини ташкил қиладиган **Theology, Orthodoxy, Heterodoxy, Islamic-revelation, Judeo-**

Christian revelation, Pseudo revelation сўзлари ўртасидаги умумийлик (интеграллик) бу - уларнинг "*дин таълимоти эканлиги*" дир.

Theology сўзи **Doctrines** гуруҳига мансуб сўзларнинг доминанти, яъни бетараф (умумий сўз) ҳисобланади. Бу гуруҳга кирувчи сўзларни семантик таҳлил қиладиган бўлсак, улардан қуйидаги умумийлик маънолари чиқади: "*маълум бир дин таълимоти эканлиги*", "*мавҳумлик*" ва бошқалар. "*Мавҳумлик*" маъноси "*таълимотнинг кўзга кўринмаслиги*" лекин инсонларнинг ўша таълимотга нисбатан ҳаракатлари, амал қилишлари орқали фарқланиши тушунилади. Бу гуруҳга оид **Orthodoxy** ва **Heterodoxy** сўзлари "*диний таълимот эканлиги*" жиҳатдан умумий) ликка эга бўлган сари қолган маъно турлари билан бир биридан фарқ қилади.

Orthodoxy сўзи "*тўғри йўл*", "*собитқадамлик*". "*содиқдир*" "*эътиқоди мустаҳкамлик*" маъно элементларига эга.

Heterodoxy, сўзи эса "*нотўғри йўл*", "*адашганлик*", "*эътиқодсизлик*" маъно элементларига эга.

Бу сўзларининг маъно элементларидан кўриниб турибдики улар бу жиҳатдан бири бирига қарама - қарши маъноли сўзлардир. Бу ҳолат, диний эътиқодларнинг турлилигига ва шу динларга эътиқод қилувчи кишиларнинг ўз динларига ва бошқа динларга бўлган муносабатларига асосланади. Масалан, Христиан динининг Католик мазҳабига эътиқод қилувчилар Буддизм, Ислом динлари билан бир қаторда хатто Христиан динининг қолган мазҳабларга эътиқод қилувчилар йўлини нотўғри деб биладилар. Католиклар учун эса ўзларининг мазҳабларидан бошқа мазҳаблар **Heterodox**дир. Лекин масалага холис ёндашадиган бўлсак ҳақиқатдан худо томонидан юборилган диний таълимотларни ҳақиқий таълимотлар деб атаймиз, тўғрироғи уларнинг баъзилари авваллари амалда бўлган бўлса, янги диний таълимотнинг туширилиши натижасида эскилари ўз кучини

йўқотган. Лекин эски диний таълимотлар ўз кучини йўқотган тақдирда ҳам янги диний таълимотга эътиқод қилувчилар уларни тан олишлари керак, амал қилиш - қилмаслик эса инсоннинг кўнгил ишидир.

Иккинчи гуруҳга кирувчи **Islamic revelation, Judeo-Christian revelation, Pseudo-revelation** сўзлари ўртасидаги ўхшаш яъни умумий маъно элементлари уларнинг "**ваҳийлиги**", "**Худонинг сўзлари эканлиги**", "**маълум бир динга амал қилиш учун кўрсатма, қонун-қоидалар эканлиги**"дир. Улар ўртасидаги дифференциаллик эса бу сўзларнинг баъзи маъно элементлари жиҳатдан бир-бирига қарама-қаршилигидир, яъни "**ваҳий**"нинг "**сохта**", "**ҳақиқийлик**" маъно элементларига эга эканлигидир.

Масалан, Исломга эътиқод қилувчилар Яҳудий-Христиан дини пайғамбарларига тушган заҳий ўзгартириб юборилганлиги туфайли, уни "**сохта**" яъни "**амал қилиб бўлмайдиган таълимот**" деб биладилар. Яҳудий-Христианлар эса ўзларига тушган ваҳий китобларни "**ҳақ**" деб билиб, бошқа диний таълимотларни, ваҳийларни "**сохта**" деб ҳисоблайдилар.

Хуллас, бу гуруҳга кирувчи сўзларни таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўлдики, бу гуруҳга оид сўзлар ҳар бир илмий изланувчи томонидан ҳар хил тузилиши мумкин. Бу, албатта, илмий изланувчининг диний эътиқодига боғлиқдир.

Масалан, илмий изланувчи мусулмон бўлса **Orthodoxy** сўзи остига **Mohammedism, Mussulman, Moslem, Shiah, Sunni, Osmanli** сўзларини йиғади. Аксинча, илмий изланувчи Христиан динига эътиқод қилса унда **Orthodoxy** сўзи остига **Christianity, Christianity Catholicism, members of Christ** каби сўзларни тўплайди. Масалан яққол мисол, Роже ўзининг "**Thesaurus of English words & phrases**" идеографик луғатида **Orthodoxy** сўзи остига **Christianity, Catholicism, Catholicity** каби сўзларни жамлаган. Чунки у Христиан динининг

Католик мазҳабига эътиқод қилган. У **Heterodoxy** сўзи остига эса **Atheism, bigotry, idolatry, papism, Islam, Mohammedism** каби сўзларни тўплаган.

Диний-илохий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг **учинчи лексик-семантик** гуруҳида **Piety, Impiety, Irreligion** сўзлари бош (асосий) сўзлар ҳисобланади.

Religious sentiments гуруҳига кирувчи бу сўзларни маъно элементларига бўладиган бўлсак, улардаги маъно умумийлиги "**кўнгилга хос туйғулар эканлиги**", "**мавҳумийлиги**" дир.

Piety сўзининг **Impiety, Irreligion** сўзларидан маъно элементлари жиҳатдан фарқлилиги қуйидагича: "**имонлилиқ**", "**якка худолилиқ**", "**тақводорлиқ**", "**тўғри эътиқоддалиқ**", "**ҳалоллиқ**".

Impiety, Irreligion сўзлари бир бирига яқин маъноли сўзлар бўлиб, уларнинг маъно элементлари қуйидагича: "**динсизлиқ**", "**дахрийлиқ**", "**кўп худолилиқ**", "**муртадлиқ**", "**мунофиқлиқ**", "**нотўғри эътиқоддалиқ**", "**ҳаромга яқин юришлиқ**" ва хоказолар.

Тўртинчи, Acts of Religion гуруҳига мансуб сўзлар **Worship, Idolatry, Sorcery, Spell** асосий сўзлардир. Бу сўзлар орасидаги маъно умумийлиги "**ишониб ибодат қилиш**", "**сиғиниш**", "**топиниш**" каби ҳаракатларни амалга оширишдир. Лекин бу сўзлардаги маъно элементлари фарқлилиги "**сиғиниш**" нинг "**қай тарзда**" амалга оширилиши "**кимга**" ёки "**нимага**" сиғинишига боғлиқдир.

Масалан, **Worship** сўзи қуйидаги семаларга бўлинади: "**Худого ибодат қилиш**", "**сиғиниш**", "**Худого сажда қилиш**", "**намоз ўқиш**", "**чўқиниш**" кабилар.

Idolatry сўзи **Worship** сўзидан фарқли равишда "санамларга сиғиниш", "бутпарастлик", "оловга сиғиниш", "шахсга сиғиниш", "ҳар хил жониворларга сиғиниш" маъно элементларига эгадир.

Spell, Sorcery сўзларининг маъно элементлари бир-бирига ўхшаш бўлиб, улар "жодуга ишониш", "сеҳргарликка ишониш", "афсунгарларга ишониш ва топиниш", "жин, шайтонлар билан ишлаб сеҳр кўрсатувчиларга ишониш" каби маъноларга эгадир.

Religious Institutions тушунчасини билдирувчи сўзлар гуруҳига **Mosque, Churchdom, Clergy, Temple, Laity** каби бош сўзлар киради. **Mosque Churchdom, Clergy, Laity, Temple** сўзлари орасидаги маъно элементлари ўхшашлиги уларнинг "диний ташкилот, муассаса эканлиги", "сиғиниш, топиниш ери эканлиги", "ибодат учун йиғиладиган макон эканлиги" ва бошқалар. Бу сўзларнинг маъно элементларидаги фарқи уларнинг қайси бир динга алоқадорлигидир.

Масалан, **Mosque** сўзи ислом динига эътиқод қилувчилар учун махсус ибодат жойидир. Унинг маъно элементлари "Худонинг уйи", "ибодат қилиш жойи", "намоз ўқиш жойи", "диний таълим-тарбия олиш жойи", "динни тарғиб қилиш жойи" кабилардан ташкил топади.

Churchdom сўзи эса Христиан динига мансуб кишилар учун ибодат қилиш жойи саналади. Унинг ҳам маъно элементлари **Mosque** сўзиникига ўхшаш, лекин "йўналиш", "кўриниш", "ибодатларни бажариш" каби ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади.

Temple сўзи эса кўпроқ умумий маънода ишатилади. **Temple** сўзини семаларга бўладиган бўлсак "ибодатхона", "Худонинг уйи", "сиғиниш, топиниш макони" каби маънолар чиқади.

Clergy сўзи **Churchdom, Temple, Mosque** билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бу каби диний идора, ташкилотларда муҳим рол ўйноқчи шахслардир. **Clergy** сўзининг маъно элементлари қуйидагилар: "тақводорларга бош", "инсонларга ваъз (маъруза) ўқувчи", "диндорларнинг олдида туриб ибодат қилувчиси", "дин тарғиботчиси" ва хоказолар.

Ҳисоб бўйича сўнги гуруҳ **Religious Ceremonies** сўзлари гуруҳига кирувчи асосий сўзлар **Rite, Canonicals** сўзларидир. Бу сўзлар "маросим, байрам" тушунчасига эга бўлганликлари сабабли бир умумийликка бирлашган. Уларга хос ўхшаш маъно элементлари "маълум бир ҳодисага атаб нишонланиш", "маълум вақт мобайнида байрам қилиш", "такрорланиш", "ўзига хосликка эга бўлиш" кабилардир.

Диний маросимлар ҳар хилдир. Масалан, Ислом Динида **Ramazan**, Христиан динидаги **Ash Wednesday** сўздан туб дан шарқ қилади. Улардаги маъно элементлари умумийлиги "рўза тутуш" дир.

Шу билан бирга ушбу сўзлар дифференциаллик ҳам мавжуд. Демак , **Ramazan** қуйидаги маъно элементларига эга: "кун бўйи ўз нафсини ейиш, ичишдан ва хоказо лаззатлардан тийиш", "Ҳар кун тарових намозини адо этиш", "бир ой рўза тугагач, уч кун байрам қилиш" ва хоказолар.

Христианларда эса **Ash Wednesday** "рўза тутуш яъни гўшт, сут, тухумли таомларини ейиш ман этилган кунларнинг биринчи кун ва унинг байрам қилиниши" диний байрам сифатида эътироф этилади.

Инглиз тилида бу каби турли динларга мансуб диний байрамлар, маросимлар мавжуд. Уларнинг ўзи кичик лексик семантик гуруҳни ташкил қилади. Улардаги маъно интеграллиги уларнинг диний маросимлиги, диний

байрамлигидир. Улардаги маъно дифференциаллиги турли динларга мансублиги ва турли кўринишда амалга оширилишидадир.

3.2. Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи лексик бирликларнинг семантик майдонини

ташкил этувчи гуруҳ

Инглиз тилида диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзларнинг лексик майдонини ташкил этувчи асосий гуруҳлар қуйидагилар:

I. *Superhuman Beings and Regions (Олий мавжудотлар ва жой номлари):*

1. *Diety (Илоҳ, Худо);*
2. *Angel (Фаришта);*
3. *Satan (Шайтон, Жин);*
4. *Jupiter (Юпитер);*
5. *Demon (Иблис);*
6. *Heaven (Жаннат, Беҳишт);*
7. *Hell (Дўзоҳ, Жаҳаннам).*

II. *Religious Knowledge or Doctrines (Диний таълимотлар):*

1. *Theology (Илоҳиёт);*
2. *Orthodoxy (Тўғри йўл, Ҳақ йўл);*
3. *Heterodoxy (Нотўғри йўл, эътиқодсизлик);*
4. *Islamic-revelation (Ислом динидаги ваҳий);*
5. *Judeo-Christian revelation (Яҳудо-Христиан динидаги ваҳий);*
6. *Pseudo-revelation (Ёлғон, сохта ваҳий);*

III. *Religious Sentiments (Қалбдаги диний эътиқод туйғулари):*

1. *Piety* (Диндорлик, Тақводорлик);
2. *Impiety* (Диёнатсизлик);
3. *Irreligion* (Даҳрийлик, Худосизлик);

IV. Acts of Religion (Диний ибодатлар, Сиғинишлар):

1. *Worship* (Худого ибодат қилиш, сажда қилиш);
2. *Idolatry* (Бутпарастлик);
3. *Sorcery* (Сехргарлик);
4. *Spell* (Афсунгарлик, Жодугарлик).

V. Religious Institutions (Диний Ташкилотлар):

1. *Mosque* (Маскид);
2. *Churchdom* (Черков);
3. *Temple* (Ибодатхона);
4. *Clergy* (Руҳоғийлар).

VI. Religious Rites (Диний маросимлар)

1. *Rite* (Маросим, Байрам);
2. *Canonicals* (Царосимлар).

Энди юқорида кўрсатиб ўтилган олти асосий диний-илоҳий тушунчаларни билдирувчи сўзлар лексик майдонини ташкил этувчи гуруҳларга мансуб сўзларга батафсил тўхталиб, ҳар бир гуруҳ сўзларнинг қандай сўзлар кириши, уларнинг синонимлари, аналогларини тартиб бўйича келтирамиз:

I. Superhuman beings and Regions

Бу гуруҳга кирувчи **Diety** сўзининг бир неча эквивалентлари мавжуд.

Diety сўзи барча динларда бир хил маного эга бўлса-да у турли динларда турли шакл ва кўринишларда келади.

1. **Diety** - (Ислом динида)-А11ап, *God, Diety, Divinity, The Omnipotence, The Lord, The Almighty, The Supreme being, The First Cause, The Prime Mover, Author of all things, Creator of all things, The Infinite, The Eternal The All-powerful, The All-wise, The All-mercifull, The All-holy, The Most Gracious, Ths Most Mercifull, The Most Compassionate, The Court of God, The Unque Creator, The Giver of Security, The Grandeur, The Judge of Judges, The All-knowing, The All-majesty, The All-overwhelming, The Unique Owner, The All-provider, The Sovereign, The All-watcher, The Omniscient, The Omnipresent, The Omnipotent, Heaven(metonymicall\) The Preserveri, The Maker....;*

(Христиан динида) - Оос1, *The Lord, Diety, Godhead, Jehovah, Jahweh, The Trinity, The Holy Trinity, The Trinity in Unity, The Triune God, God The Father Son and Holy Gost, God The Father, The Maker, The Creator, God The Son, Jesus, Christ, The Messiah, The Anointed, The Saviour, The Redeemer, The Mediator, The Intercessor, The Advocate, The Judge, The Son of God, The Son of Men, The Son of David, The Lamb of God, The Word, The King of Kings and Lord of Lords, The King of Glory, The Prince of Peace, The Good Shepherd, The Way, The Truth, The Lite, Ihe Bread of Life, The Light of the World, The Lord Our, The Sun of Rightneusness, God and Holy Ghost, The Holy Spirit, The Comforter, The Spirit of Truth, The Dove...;*

2. **Angel** - бу сўз ижобий маънодаги сўз бўлиб, аталишида кўпрок, **Heaven-** жаннат сўзи билан боғланади - *archangel, guardian angel, heavenly host host of heaven, ministering spirit, patron saint, invisible helper, morning star, Gabriel, Azrail, Israphil, Micael, Seraph, Seraphim, Cherub, Cerubim;*

3. **Satan** - бу сўз фақат салбий маънода ишлатилиб, аталишида **Hell-** дўзоҳ сўзи билан боғлаб ишлатилади - *the devil, Lucifer, Mephistophebs, Ahriman, Belial, Samael, Zamiel, Beelzebub, The Prince of the Devils, the evil*

one, the evil spirit, the Adversary, the archenemy, the author of evilb, the wicked one, the old Serpent, the Prince of darkness, the foul fiend, the arch fiend, the devil incarnate, the common enemy, the angel of the bottom less pit, demon;

4. **Jupiter** - бу сўз кўпроқ қадимги миф ва афсоналарда маъбуд ва маъбудаларни ифодалашда қўлланилган - *god, goddess, heathen, gous and goddesses , deva, Jupiter, Jova, Aphrodite,Brahma, Devi, Durga, Kali, the Great spirit, Zeus, Apollo, Hades, Juno, Mars, Mercury, Minevra, Odin, Osiers, Proseipine, Saturn, Valhalla, Venus, Vesta, Ariel, Ormuzd, Oberon, Shiva, Krishna, Vishnu...*;

5. **Demon** - бу сўз ҳам Satan сўзига ўхшаб салбий маънода ва ёвуз кучларга нисбатан ишлатилади - *deamon, demonry, evil genius, fend, daeva, bad spirit, unclean spirit, cacodemon, incubus, Eblis, shaitaa, succubus, Frankenstein's monster, Titan, shedim, Asmodeus, Moloch, Belial, Ahrimjan, fury, harpy, Friar rush , Vampire, loki, gnome, gin, jinn, imp, deev, lamia, bogie, bogeyman, pix, nix , nixie, ghost, specter...*;

6. **Heaven** - бу сўз динда гўзал, хар нарса мукаммал бўлган яхшилар макони сифатида ишлатилади - *kingdom of Heaven, kingdom of God, Falak al aflak(the highest heaven), throne of God, inheritence of the saints in light, Paradise, Eden, Zion, abode of blessed , celestial bless, glory, olympus(mythological heaven), Elysium, Elysian field, Arcadia, garden of the Hesperides; eternal home, eternal reward, future state...*;

7. **Hell** - бу сўз жаннатнинг тескариси бўлиб ўта хунук, қийноққа тўла, ифлос жойларга нисбатан ишлатилади - *bottomless pit, place of torment, habitation of the fallen angels, Pandemonium, Abaddon, Domdaniel, jahannam, hellfire, everlasting torment, eternal damnation, limbo, gehenria, abyss; (mythological)Tartarus, Hades, Avernus, Styx, pit of Archeron, Cocytus, infernal region*

II. Religious Knowledge or Doctrines:

1. **Theology** - бу сўзга умумий илоҳиёт тушунчасини, имон, эътиқод

тушунчаларни ифодаловчи сўзлар киради - *theogony, theosophy, divinity, hagiology, hagiography, monotheism, religion, religious persuasion, rbligious sect, religious denomination, belief, faith, theologue, divine...*;

2. **Orthodoxy** - сўзига тўғри диний эътиқодни ифодаловчи сўзлар киради — *strictness, soundness, religious truth, true faith, truth, soundness of doctrine; Mohammedan, Mussulman, Moslem, Shiah, Sunni, Osmanli..;*

3. **Heterodoxy** - сўзига нотўғри диний эътиқодлар, таълимотлар, худосизлик тўғриси билдирувчи сўзлар киради - *error, false doctrine, heresy, schismatism, schismaticism, recusancy, backsliding apostasy, atheism, bigotry, fanaticism, iconoclasm, puritanism, idolatry, dissent, sectarianism, secularism, religious sects, materialism, ; High Church, Low Church, Free Church, papism, monkery, Catholicism, Romanism, papery, Scarlet Lady, Church of Rome, Greeck Church, Paganism, ethicism, mythology, polytheism, dualism, Judaism, Brahmanism, Buddhism, Mormonism....;*

4. **Islamic revelation** - бу сўзларга Ислом динига оид таълимотлар, ваҳийлар киради - *the Koran, revelation, Word of God (prophet) Mohammed (sav);*

5. **Judeo-Christian revelation** - бу сўзларга Яҳудий ва Христиан динидаги ваҳийлар, диний таълимотлар киради - *revelation, inspiration, afflatus, theophany, theopneusty, word, scripture, the Bible, Holy scriptures, inspired writing, Gospel, Old Testament, Vulgate; the Law, the Jewish Law, New Testament, Evangelists, Epistles, Talmud; Mishna, Masorah...;*

6. **Pseudo-revelation** - бу сўзлар гурӯҳига ёлғон таълимотлар, сохта ваҳийлар, асосчилар номлари киради - *Vedas, Zendavesta, Sastra, Shastra, Tantra, hpanishadism, Purana, Edda, Book of Mormon; (prophets & founders) Gautama, Buddha, Zoroaster, Confucius, golden calf, Baal, Moloch, Dagon,...;*

III. Religious Sentiments - бу гуруҳга кирувчи сўзлар инсоннинг кўнглида, қалбида, мавжуд туйғулар, имонлилик ва эътиқодсизлик туйғуларини билдирувчи сўзлардир:

1. **Piety** - имон, эътиқод тушунчаларини билдирувчи сўзларнинг барчасини ўз ичига олади - *religion, theism, faith, religiousness, holiness, saintship, religionism, sanctimony; humility, veneration, devotion, grace, edification, sanctity, consecration, spiritual existence, beauty of holiness; believer, theist, pietiest, the righteous, the just, the believing....;*

2. **Impiety** - Бу сўзларга худога шак келтириш, гуноҳкор бўлиш, мажусийлик қилиш каби тушунчаларни билдирувчи сўзлар кирди- *sin, irreverence, profaneness, blasphemy, desecration; hypocrisy, falsehood, cant, bigotry; sinner, scoffer, blasphemer, sabbath breaker, hypocrite, the pvil, the unjust; idolize, impious, irreligious, ...;*

3. **Irreligion** - бу сўзлар гуруҳига диёнатсизлик, дахрийлик тушунчаларини билдирувчи барча сўзлар кирди - *indevotion, godlessness, ungodliness, laxity, quiteism , skepticism, doubt , unbelief, disbelief, incredulity, agnosticism, atheism, deism, materialism, positivism, nihilism, infidelity, feethinking, ; (persons)atheist, skeptic, unbeliever, infidel, pirrhonist, materialist, ...;*

IV.Acts of Religion - бу сўзлар гуруҳига диний ибодатларнинг турли хили, чўқиниш, топиниш ва бошқа тушунчаларни билдирувчи сўзлар кирди:

